

**Илму ҳунар  
елга эмас,  
элга.**

Ўзбек халқ мақоли



ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI


معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 23-iyun, chorshanba № 49 (8282) ISSN 2010-6416

## ХАДЕМАЙ ТАЛАБА БЎЛАСИЗ!

Талабалик тутқич бермас тулпорга ўхшайди-я! Айниқса, талабгору даъвогарлар кўпайгани сари унга эришиш мashaққати ортаверади. Фақат ўз кучига ишонган ва буни амалда намоён эта олганларгина у билан кўзлаган манзили сари йўл олиши мумкин.

(Давоми 2-бетда.)



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил ислоҳотлар негизида жисмонан ва маънан соглом, улуг аждодларимизнинг буюк анъаналари ни муносиб давом эттирадиган, замон талабларига мос юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсади мужассам.

## ЁШЛАР ҚАЛБИНИ АСРАНГ

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган "Баркамол авлод йили" давлат дастури тўғрисида ги қарорида ёш авлодни маънавий таҳдидлардан, хусусан, диний ва экстремистик таъсирлардан, "оммавий маданият" хуржуларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

(Давоми 3-бетда.)

## ВАТАН ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ БУРЧ

Юртимиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, давлат ва жамоат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали равишда битирувчиларга лейтенант ҳарбий унвони, диплом ва кўкрак нishонларини тантанали топшириш тадбирлари ташкил этилмоқда.

Тошкент олий умумкўшин кўмандонлик билим юртида ҳам бу маросим фоят кўтаринки рухда ўтказилди. Буни тантанага ташриф буюрган ота-оналарнинг кўзларидаги севинчдан, фахрга тўлиб гапирган сўзларидан илғаш мумкин.

— 4 йил олдин ўғлим Нодирнинг қасамёд қабул қилиш тантаналарида қатнашган эдик, — дейди Қаҳрамон Фойипов. — Бугун эса битирув маросимига келдик. Ватан ҳимоячиси бўлиш ёшлигидан орзузи бўлган ўғлимнинг мана шундай улуғ даргоҳда таълим олиб, етук мутахассис сифатида Ватанимиз корига ярайдиган фарзанд бўлгани қалбимни ифтихорга тўлдирди.

(Давоми 5-бетда.)



Qutlug' ostona

# САМИИЙ МИННАТДОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11-15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида вактинча кўчиб келган фуқаролар мамлакатимизнинг Андикон, Наманган ва Фарғона вилоятларида қабул қилиниб, 100 мингга яқин киши жойлаширилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Бу мудхиш воқеалардан жабр кўрганлар – аёллар, бобалар ва кексаларга, ярадорлар, беморлар ва шикастланганларга ёрдам ва кўмак бериш мақсадида аҳолимиз, жамоатчиликимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилгани ва кўрсатилётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда Андикон вилояти ҳокимлиги очилган маҳсус бегараз ёрдам ҳисоб рақамига юртимиздаги кўплаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан маблағлар келиб тушиши давом этмоқда.

Бугунги кунга қадар ушбу ҳисоб рақамига 3,9 миллиард сўмга яқин маблағ тушди. Бундан ташқари, республика худудларида корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан 7,8 миллиард сўмликтан зиёд озиқовқат, дори-дармон, кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва бошқа ҳаёттий зарур буюмлар тўпланиб, ўз вақтида тегиши манзилларга етказиб берилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир одам бу фожиани ўзига

яқин қабул қилиб, жабрланганларга ҳамдard бўлиб, елка-дош бўлиб, ҳалқимизга мансуб бўлган олижаноблик ва бағрикенглик каби асрор фазилатларни яна бир бор амалда на-мён этди.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган бундай инсоний муносабат, меҳр-оқибат намунаси оғир пайтларда кўмакка мухтож бўлган одамларга беминнат ёрдам беришдек миллий ҳусусиятларимизнинг ёрқин ифодаси сифатида эътиборлидир. Айниска, ёшларимизнинг бу эзгу ишда фаол иштирок этгани ёш авлодимизнинг ана шундай азалий қадриятлар руҳида тарбия топаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ана шу эзгу ишда муносаби хисса кўшган мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар, идора ва муассасалар, давлат ва надавлат тузилмалари, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, маданият ходимларига, барча олижаноб инсонларга самими миннатдорлик билдиради.

(ЎЗА)

## ЁШЛАР ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРМИ?

Фарғона шаҳрида касб-хунар коллежлари ўкувчилари ўртасида "Оила қуришга тайёрмисиз?" кўрик-танлови ўтказилди

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиши алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни оила қуришга тайёрлаш бу борада мухим аҳамиятга эга. "Баркамол авлод йили" давлат дастурида соғлом ва мустаҳкам оила қарор топиши учун шарт-шароит яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Фарғона вилояти хотин-қизлар кўмитаси, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда Саломатлик инститuti Фарғона филиали ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур кўрик-танлови ҳам ушбу мақсадга қаратилган. Иштирокчilar репродуктив саломатлик, оила қуриш борасидаги билимини синовдан ўтказди. Эрта турмушга чиқиш, соғлом турмуш тарзига амал қўймасликнинг салбий оқибатлари саҳна кўринишларида намойиш этилди.

— Танлов жараёнида ёшларимизнинг соғлом оилани шакллантириш борасидаги билими ошиб бораётгани намойен бўлди, — дейди Саломатлик инститuti Фарғона филиали директори Шуҳратжон Абдумажидов. — Улар оиласида мұқаддас даргоҳ эканини, соғлом турмуш тарзининг аҳамиятини чукур англаб етажтиришга молик.

Танловда Марғилон педагогика коллежи жамоаси галибларни кўлга киритди. Дангарга саноат ва Кўкон педагогика коллежлари кейинги ўринларга муносиб кўрилди.

М. СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири

2010-yil – Barkamol avlod yili

## БИЛИМ ВА ИСТЕЙДОД КЎРИГИ

Иқтидорли ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш, уларни янада изланишга рафбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон мадданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигига ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи якунланди.

«Келажак овози» ёшлар таъшаббуслари марказининг Хоразм вилояти координатори Жасурбек Жуманиёзовнинг айтишича, жорий йилда танловнинг қўйи босқичида беш мингта яқин иштирокчи архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишида салоҳия-

тини синовдан ўтказди. Уларнинг 263 нафари вилоят босқичига йўлланма олгани саралаш жараёни кучли рақобат шароитида ўтганидан далолат беради.

Танловга тақдим этилган ҳар бир ижодий иш ва лойиҳа атрофлича ўрганилди. Уларнинг 15 таси мутахassislarдан томонидан юқори баҳоланди.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
ЎЗА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айни кунларда республика миздаги 70дан зиёд олий таълим муассасаларига ҳужжатлар қабул қилиш бошланган. Демак, синов палласи тобора якин. Жараён билан танишиш тошкент давлат педагогика университети томон йўл оламиз.

Қабулнинг илк кунлари бўлишига қарамай, бу ерда етук мутахасисис бўлишни ният қилган кўплаб йигит-қизлар, уларнинг ота-оналарини учратиш мумкин. Маълумотлар ойнасида ҳар бир таълим йўналиши, унда тайёрланадиган мутахасисликлар, худди шу таълим

лимида янги – рус тили ва адабиёти(таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларда) йўналиши очилди. ....

— Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган кўрсатмаларга асосан университетимизда қабул жараёнини намуналиши ташкил этишга катта тайёргарлик кўрилди, — дейди масъул котиб мувонини Ботир Бойметов. — Жумладан, абитуриентлар, уларнинг ота-оналари учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Талабаликка давоғар йигит-қизлар ўз билим да-

Abituriyent – 2010



топшироқчи бўлаётганларнинг аксарияти аниқ мақсадга эга. Улар ўзи қизиқсан йўналиш бўйича малакали мутахассис бўлиш ниятида. Шунинг учун ҳам вакти бой бермай, ҳужжат топшириб, кўнгли тўқ ҳолда тест синовларига тайёрланисади, — дейди маслаҳатчи Алишер Миразизов.

Атрофдагиларга назар ташлаймиз. Кимдир «Қайси факультетга топширсан экан» дегандек иккиланброқ турибди. Яна бировлар имтиёзи тарзда ўқишига қабул қилиниши

# ХАДЕМАЙ ТАЛАБА БЎЛАСИЗ!

Йўналишига янги ўкув йилида ҳабр ҷаҳонга ҳамда ўқишига қириш билан юниони топган.

Қабул комиссияси масъул котиби Маъруфjon Йўлдошев берган маълумотга кўра, жорий ўкув йилида университетга бакалавриатура таълим йўналишлари бўйича жами 2010 нафари(689 – ўзбек, 141 – рус, 10 – қозоқ гурухлари) давлат гранти, 1170 нафари(880 – ўзбек, 250 – рус, 30 – қозоқ гурухлари) тўлов-контракт асосида қабул қилинади. Бу йилдан бакалавриатура таъ-

ражасини синаш учун тест дастурларидан фойдаланишлари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган абитуриентлар тайёрлов курсларига қатнаши мумкин.

— Кизим айнан шу университетни танлади, — дейди Барно Қаландарова. — Албатта, биринчи навбатда биз учун унинг қизиқиши мухим. Шунинг учун орзу-интилишларидан хабардор бўлганимиз туфайли қаршилик кўрсатмадик. Дефектология йўналиши бўйича ўқимоқчи. Ҳозир мавжуд шарт-шароитлар билан танишиб чиқяпмиз.

— Биринчи кундан ҳужжат



## "ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!"

Самарқандда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўкувчи-ёшлари, ҳаваскор санъат ва фольклор жамоалари ўртасида "Баркамол авлод йили"га багишил ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови ҳамда "Барҳаёт анъаналар" фестивал-танловининг минтақавий республика босқичи бўлиб ўтди.

Дастлаб Самарқанд шаҳридаги Концерт залида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови бошланди. Унга Самарқанд вилоятидан ташқари Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Жizzax вилоятлари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўкувчи-ёшлари, ҳаваскор санъат ва фольклор жамоалари иштирок этишиди.

Ўкувчи-ёшлар ўзларининг тинчликни, хурлини, Ватанини, унинг азиз одамларини, муқаддас тупроғини мадҳ этувчи қўшиқ ва рақслари билан иштирок этдилар. Танловни маълум мутахassislarдан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Кўрик-танловининг минтақавий республика босқичида олий ўрин Самарқанд санъат коллежининг "Ўзбекистон ёшлари" гуруҳига наисиб этиди. Биринчи ўринни Қашқадарё вилояти вакиллари эгаллашди.

Иккичи ўринни жиззахлик Зулхумор Мамарахимова ҳамда сурхондарёлик Чори Мамадаминов эгаллашди.


— Танлов жараёнида янги-янги иқтидорлар кашф қилинмоқда, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Рифатилла Косимов. — Уларнинг чиқишилари, қўшиқларининг матни, бетакор мусиқаси киши қалбida фаҳришини тутдирди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фольклор дасталари ўртасида ташкил этилган иккичи танлов – яни анъанавий "Барҳаёт анъаналар" фестивал-танловининг минтақавий босқичи ҳам бўлиб ўтди. Унда юқоридаги санаб ўтилган вилоятлардан келган фольклор жамоалари ўзаро беллашдилар.

Танлов якунига кўра, Булунғур педагогика ва спорт коллежининг "Нижол" фольклор дастаси олий ўринга муносиб кўрилди. Биринчи ўринни Сурхондарё ва Жizzax, иккичи ўринни Қашқадарё вилояти вакиллари эгаллашди.

Тадбир сўнгидаги галибларга ҳомийлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Ҳаким Жўраев, "Ma'rifat" мухбири.

Tanlov



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан навқирон авлоднинг миллий маънавий месросимизга чукур хурмат, Ватанга муҳаббат, эл-юрга садоқат руҳида тарбия топилиши ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 майдаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти самарадорлигини янада оширишга бағишиланган мажлисida бажарилаётган ишларнинг чукур тахлиси этилгани, хусусан, ҳаракат фаолиятининг айrim жиҳатлари кескин танқид қилингани ва бу танқидий фикрлардан ўринли хulosса чиқарилган ҳолда галдаги вазифаларнинг белгилаб олингани мазкур йўналишдаги эзгу



2010-yil — Barkamol avlod yili

нашди. Иштирокчиларнинг Ўзбе-кистон тарихи, ўзи яшаб турган худуднинг урфодатлари, этнографияси ва топономияси ҳақидаги билими синовдан ўтказилди.

Ҳаракатнинг барча тадбирларида ёшларнинг маънавий дунёкашини бойитиш, миллий қадриятларимизга хурматини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар ёшларнинг барча қатламини қамраб олаётгани билан ҳам аҳамиятидир. "Миллий ўйинлар" фестивали, "Маҳаллам тарихини ўрганаман", "Тарихий қадамжоларга саёҳат", "Энг ёш фаол маънавият тарғиботчиси", "Қадрият, урф-одат ва аньана", "Хар бир ёшга бир ниҳол", "Ёзни "Камолот" билан ўтказ" каби лойиҳалар доирасида амалга оширилаётган эзгу тадбирлар негизида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позицияси шакллантириш мақсади мумассам.

"Камолот"нинг маҳаллий ва худудий бўлимлари томонидан ёшларимиз онгини миллий маънавиятимизга ёт "оммавий маданият", диний экстремизм ва миссионерлик хуружларидан ҳимоя қилиш мақсадида Президенттимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганишга бағишилаб "Ёшлар қалбига йўл: самарали тажриба ва услублар" мавзууда ўқув семинарлари, давра сухбатлари ташкил этилаётгани катта самаралар берилмоқда. Мазкур асар ёшларимиз томонидан маънавий ҳаётимизда дастуриламал сифатида катта қизиқиши билан ўрганилмоқда.

Бундан бир неча минг йил муқаддам барпо этилган қадимий обидаларнинг биридан "Ёшлар қалбини асраранг" деган битик топилган экан. Дарҳақиқат, маънавият муҳофазаси ҳамиша долзарб бўлган. У асрлар силсиласида инсоният тафаккури ривожи билан бирга яшаб келмоқда, бундан кейин ҳам давом этади.

Ўз келажагини мустаҳкам пойдевор устига қуришни, жаҳонда эртага ҳам ўз ўрнига, сўзига, ҳаёт тарзига эга бўлишни истаган ҳалқ ҳамиша миллий маънавият муҳофазаси йўлида курашади. Бу — табиат ва жамият қонуни. Ўзининг кимлигини англаган, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашга эга фарзандга жоҳил ақидапарастинг ҳам, қандай яшамокни ўргатишга уринаётган хориждаги айrim кучларнинг ҳам "даъват"лари таъсир қилмайди. Чунки миллий иммунитети бақувват авлод қалбидан улуф аждодлардан мерос — юксак маънавият бор. Зотан, Президенттимиз таъкидлаганидек, "бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин".

Умид ЁҚУБОВ,  
ЎЗА мухбири

# ЁШЛАР ҚАЛБИНИ АСРАНГ

ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаёттири.

— Йигилишда ҳаракат фаолиятини янада такомиллаштириш, иш жараённида дуч келинаётган муаммоларни бартараф этиш, худудий ва маҳаллий бўлимлар кенгашлари фаолиятини кучайтириш бўйича зарур чоратадирилар белгиланди, — дейди "Камолот" ЁИХ марказий кенгаши раиси Баҳодир Фаниев.

Шу кунларда элликка яқин вазирлик, идора ва ташкилотларда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари ташкил этилди. Бу эса ёшларимиз мамлакатимиз ривожи ва халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилишдек эзгу мақсадга бирлаштириш, уларнинг жиспслиги, аҳиллиги, бирдамлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳаракатнинг ҳудудий ва маҳаллий бўлимлари кенгашлари раисларининг ёшларни ўз ортидан эргаштири оладиган, маънавий етук, ташкилотчилик қобилиятига эга номзодлар ичидан танлаб олинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишга қабул қилишда сухбатдан ташқари, тест-синов тизими ишлаб чиқилди. Шу кунларда бу жараён босқич-ма-босқич амалга оширилаёттири.

Баркамол етакчиларни тарбиялаш мақсадида, "Камолот" қошидаги "Етакчи" ёшлар маркази ҳузурида Социологик тадқиқотлар марказини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Марказнинг иш режасида жойларда ёшлар муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, ёшлар билан ишлашнинг самарали йўлларини кўллаш, ҳаракат тизимидағи барча бўлимлар ишини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан ўкув-услубий кўлланмалар ишлаб чиқиш бўйича чоралар белгиланган.

"Камолот"нинг Тошкент вилояти бўлими кенгаши томонидан вилоятнинг чегараси худудларида 180 нафардан ортиқ кўнгилли маҳалла ёшларидан иборат "Камо-

лот" посбонлари" грухи тузилди. Шунингдек, "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда, тажриба сифатида, Тошкент шаҳридаги 22 маҳалла фуқаролар йигини ҳузурида ёшлар билан ишлаш комиссиясининг фаолиятини йўлга кўйиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Асосий мақсад — ҳалқимиз миллий ҳарактерига яқин демократик институт бўлмиш маҳалла ор-қали ёшларимиз орасида жинонотчиликнинг олдини олиш, уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, қисқача айтганда, "Камолот"нинг ҳар бир оиласига ва ёш авлодни миссионерлик, ақидапарастлик каби салбий иллатлардан муҳофаза қилиш мақсадида юртимиздаги билимли, истеъодли ва таникли ёшлар иштирокида жойларда "Миллий қадриятларимизга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор", "Миллий маънавиятимизнинг инсон камолотидаги ўрни", "Бадиий адабиёт ва миллатларро тутувлик" каби мавзуларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот ишлари ўтказилиши мўлжалланган.

"Камолот" томонидан ёш авлодни маънавий таҳдидлардан муҳофаза қилиш борасидаги ишлар узвийлик ва изиллик касб этиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йили "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам" мавзууда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб ташкил этилган ёшлар марафони доирасида ўнлаб дастур, амалий мулокот, давра сухбатлари, учрашув ва маданий тадбирлар уюштирилди. Ўнга соҳа мутахассислари, психологлар, тарихчи ва географ олимлар жалб қилинди.

Президенттимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-бираидан фарқлай олмаслик ёки гарасиз мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар кўзга ташланяётганини алоҳида таъкидлайди: "Ислом динини никоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бosh-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножӯй ҳаракатлар, аввало муқаддас

динимизнинг шаънига добр бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишни барчамиз чукур англаб олишимиз ва шундан хulosса чиқаришимиз зарур".

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бундай маънавий таҳдидларга қарши курашиш мақсадида "Ислом дини нима?", "Исломда хижоб", "Сиз нима дейсиз?", "Исломий қарашлар", "Ақидапарастлик нима?", "Эътиқод ва имондан адашмайлик", "Диний экстремизм ва тероризм — тинчлик ва тараққиёт душмани", "Огохлик — давр талаби" каби мавзуларда маънавий маърифий тадбирлар, учрашувлар ва давра сухбатлари ташкил этилмоқда.

"Оммавий маданият" биринчи галда миллий илдизларга болта уради, миллатни ўзагидан айиради, шу орқали турли гурӯҳ ва кучларнинг г’аразли мақсадларига хизмат қилади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёш авлодни маънавий таҳдидларга қарши курашиш мақсадида "Ислом дини нима?", "Исломда хижоб", "Сиз нима дейсиз?", "Исломий қарашлар", "Ақидапарастлик нима?", "Эътиқод ва имондан адашмайлик", "Диний экстремизм ва тероризм — тинчлик ва тараққиёт душмани", "Огохлик — давр талаби" каби мавзуларда маънавий маърифий тадбирлар, учрашувлар ва давра сухбатлари ташкил этилмоқда.

Бундан бир неча минг йил муқаддам барпо этилган қадимий обидаларнинг биридан "Ёшлар қалбини асраранг" деган битик топилган экан. Дарҳақиқат, маънавият муҳофазаси ҳамиша долзарб бўлган. У асрлар силсиласида инсоният тафаккури ривожи билан бирга яшаб келмоқда, бундан кейин ҳам давом этади.

Ўз келажагини мустаҳкам пойдевор устига қуришни, жаҳонда эртага ҳам ўз ўрнига, сўзига, ҳаёт тарзига эга бўлишни истаган ҳалқ ҳамиша миллий маънавият муҳофазаси йўлида курашади. Бу — табиат ва жамият қонуни. Ўзининг кимлигини англаган, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашга эга фарзандга жоҳил ақидапарастинг ҳам, қандай яшамокни ўргатишга уринаётган хориждаги айrim кучларнинг ҳам "даъват"лари таъсир қилмайди. Чунки миллий иммунитети бақувват авлод қалбидан улуф аждодлардан мерос — юксак маънавият бор. Зотан, Президенттимиз таъкидлаганидек, "бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин".

БУГУН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА АНЬАНАВИЙ «УСТОЗ-ШОГИРД» МАКТАБИ ТИЗИМИ ЎЗИГА ХОС ТАРТИБДА ЙЎЛГА КЎЙИЛДИ. ТУМАНИМЗА БУ ЛОЙИХАНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА ФАНЛАР КЕСИМИДА ТАШАББУСКОР, ИЖОДКОР, ИЛГОР ВА ЎЗ КАСБИННИГ ЕТУК УСТАЛАРИ БЎЛГАН УСТОЗ-ЎҚИТУВЧИЛАР РЎЙХАТИ ТУЗИБ ЧИКИЛИБ, МАКТАБЛАРДА «КАСБИЙ МАҲОРАТНИ ОШИРИШ УСТАХОНАСИ» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ёш ўқитувчилар учун 31-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Озода Норқулова, 4-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Субҳон Зойирова, 21-мактабнинг география фани ўқитувчиси Фазлилдин Хусенов, 25-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси Шахноза Самиева, 3-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Санъат Хотамова, 1-мактабнинг бошлангич таълим ўқитувчиси Гулсара Шаропова томонидан ноанъанавий очик дарслар ташкил этилгани тажриба мактаби бўлди.

Ёш ўқитувчиларга ўқув жараённида интерфаол педагогик технологияларни кўллаш, ўкувчилар билан индивидуал ишлаш, уларнинг фанга бўлган қизиқишини янада ошириш, шунингдек, синф хоналарини жиҳозлаш бўйича тавсиялар берилти. 38-умумталим мактабида эса ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, методика кабинети методистлари ҳамда «Устоз-шогирд» мактабида фаолият юритаётган устоз ва бир нафар шогирд «Устоз-шогирд» мактаби — узлуксиз методик хизмат ва малака оширишнинг самарали шакли» мавзусида туман миқёсида амалий-услубий семинар ўтказилди.

Дарс жараённида аниқланган камчиликлар юзасидан давра сұхбатлари ташкил этилиб, тегишли тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Хусен БОЗОРОВ,  
Шоғиркон туман халқ таълими бўлими  
методика кабинети мудири

ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ 45-МАКТАБ ҚОШИДА «ҚАЛДИРФОЧ» НОМЛИ БОЛАЛАР ОРОМГОХИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. У ТАЪТИЛДАГИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНИЛ ЎТКАЗИШ, УЛАРНИ ЖИСМОНАН ВА МАЪНАН ЧИНИҚТИРИШГА ХИЗМАТ КИЛМОҚДА.

Хозирда ушбу оромгоҳда 120 нафар ўғил-Киз ҳордиқ чиқариш билан бирга ҳаётгай билимларини бойитиб, турли спорт тўғараклари машгулотларида жисмонан чиниқмоқдалар.

— «Ким кўп топишмоқ топа олади?», «Тез айтиш баҳси», «Ким кўп шеър билади?» сингари бир қатор маънавий ўйинлар болажонларнинг зехнини чархлаб, таътил кунларининг эсда қоларли ўтишига сабаб бўлмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Гулчехра Жумарова. — Бундан ташқари бундай тафаккур ўйинлари уларнинг муста-

қил ҳаётга эркин қадам ташлашида, кенг фикрлашида, келажакка тेरан кўз билан қарашда муҳим роль ўйнайди.

Оромгоҳда машхур адаб, ўзининг бир-бираидан қизиқ асар ва ҳикоялари билан ўкувчилар қалбига йўл топа олган ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг меҳмон бўлиши бу ерда тарбияланётган болаларнинг дилини хушнуд этди. Учрашув давомида ёзувчининг «Беш болали йигитча» асаридан саҳна кўришилар намойиш этилди.

Даврон СУННАТОВ,  
ЎзМУ талабаси

ТАРИХ-ХАЛҚНИНГ ОЛТИН ХАЗИНАСИ. ЁШ АВЛОДНИ УШБУ ХАЗИНАДАН БАХРАМАНД ЭТИШ УЛАРНИНГ КЕЛАЖАКДА ЕТУК ШАХС Бўлишида муҳим омил хисобланади.

Ўкувчи-ёшларга тарих ҳақида етарли маълумот берса олиш педагогдан катта билим ва масъулият талаб этади. Ушбу фанни ўқитишида юқори самарадорликка эришиш учун машғулот давомимида замонавий педагогик усууллардан, хусусан, кичик гурухлар билан ишлаш, бадиий адабиётлар, архив хужжатлари ва хужжатли фильмлар, шунингдек, матбуот материалларидан фойдаланишининг аҳамияти катта. Илм масканида дарслар тугаб, ўкувчилар тўғарак ва қўшимча машгулотларга қатнашмоқда. Уларнинг билимини мустаҳкамлаш, янги-янги маълумотларни етказиши мақсадида фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда режа ишлаб чиқилди. Унга асосан ўкувчи-ёшлар билан музей ва тарихий обидаларга саёҳат ўюнтириш, мутахассислар иштироқида давра сұхбати ташкил этиш, маънавий-маърифий тадбирлар ўюнтириш белгилаб олинди.

Бу каби тадбирларда асосий мақсад ўкувчиларнинг тарих ҳақидаги билимларини бойитиши, ўтмиш ва бугунги кунни таққослаш орқали воқеаларни таҳлил қилишга ўргатишдан иборат.

Зилола ҲАКИМЖНОНОВА,  
Тошкент вилояти педагогика коллежи  
ўқитувчisi

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИ-ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «БАРКАРОР ЭКОЛОГИЯ – БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежида бўлиб ўтган тадбирда олимлар, ўқитувчилар ва ўкувчилар атроф-табиий муҳит ва уни асрашда ёшлар тарбиясида экологик онг ва экологик маданиятни шакллантиришнинг аҳамиятига доир маърузалари билан иштирок этиди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экологияга бевосита алоқадор белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ижросини амалга ошириш борасида мамлакатимизда олиб борила-

ётган ишлар ҳақида мутахассислар томонидан фикр юритилиб, табиатни муҳофаза қилишда ҳар бир фуқаронинг бурч ва масъулиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг ўкувчилар ўртасида ўтказилган «Атроф табиий муҳит ёшлар нигоҳида» мавзусидаги танлов ғолиблари «ЭКОСАН» Халқаро жамоат фондининг фахрий ёрлиқ ва эсдалиқ совғалари билан тақдирланди.

Тадбир сўнгидага «ЭКОСАН» халқаро жамоат фондининг фахрий ёрлиқ ва эсдалиқ совғалари билан тақдирланди.

Анвар ҚОБИЛОВ



ТЕРМИЗ ШАХРИДАГИ 13-МАКТАБНИНГ СОЯСАЛҚИН, СўЛИМ БАҒРИДА 70 НАФАР БОЛА БЎШ ВАҚТИНИ КЎНГИЛЛИ ЎТКАЗИШМОҚДА.

Режа асосида машғулотлар, кўрик-тандовлар, спорт, санъат мусобақалари, учрашув ва саёҳатлар ўюнтирилди. Тўғараклар мунтазам ишлаб турибди.

— «Болажон боғи», Археология музейи, мустақиллик йилларида Термиз шаҳрида қад ростлаган бинолар, ҳайвонот боғига килган саёҳатларимиздан ёшларимиз олам-олам қувонч олишди. Барча ишларимизни амалга оширишда ҳомийлар, ота-оналар, 1, 3, 4, 6-мактаб жамоалари, ўқитувчилар яқиндан ёрдам берганидан миннатдормиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Дилфузада Раҳмонкулова.

Ҳақиқатдан ҳам жануб кўёшининг иссиқ ҳароратидан сақлайдиган бундай оромгоҳлар вилоятнинг бошқа жойларидаям ёзги оромгоҳларда минг-минглаб болалар таътилни кўнгилли ўтказишмоқда.

Норқувват ТЎРАЕВ,  
«Ma'rifat» мухбири

«ХАЙР БОҒЧА, САЛОМ МАКТАБ» ТАДБИРИДАН СЎНГ ҚИБРАЙ ТУМАНИДАГИ З ҲАМДА 20-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ СЕВИМЛИ БОҒЧАЛАРИ ВА ТАРБИЯЧИ ОПАЛАРИ БИЛАН ХАЙРЛАШДИЛАР.

Энди улар мактаб ўқитувчisi сифатида келажакда ўқитувчи, шифокор, дурадгор, учвичи, фермер, журналист каби касбларни эгаллаш учун кўп ўқишига, тинимсиз изланишига ҳаракат қиладилар. Боғчада улар саломлашиш, хайрлашиш, бир-бирига кўмаклашиш, озодаликка риоя қилиш, одобли бўлиш каби ижобий фазилатларни ўргандилар. Энди устозлари ёрдамида «Alifbe», «O'qish kitobi»ни ўрганишга киришадилар.

Тадбирда тарбияланувчилар томонидан расмлар кўргазмаси, лойдан ясалган ўйинчоқлар намуналари намойиш этилди. Улар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН МАВСУМ КЎНГИЛСИЗ ХОДИСАЛАРДАН ХОЛИ ЎТИШИ УЧУН ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ВА ёНГИН ХАФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САКЛАШ БОРАСИДА АЛОХИДА РЕЖАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, БУ БОРАДА ЖОЙЛАРДА БИР ҚАТОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда асосан болаларни оромгоҳларга олиб борувчи транспорт воситаларининг техник жиҳатдан созлигига, оромгоҳларга олиб борувчи йўлларнинг талаб даражасида эканига аҳамият қаратилди. Гурухларнинг маҳсус автокарвонлар шаклида оромгоҳлар худудига қадар ЙПХ ходимлари томонидан кузатиб боришни қатъий белгиланганлиги, шунингдек, вилоятда жойлашган дам олиш оромгоҳларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиниши, оромгоҳлардаги тарбиячи ва ишчи-хизматчилар катори болаларнинг ҳам бу жараёнга эътиборли бўлиши маҳсус белгиланган қоидаларга тўла амал қилиши лозимлиги ўтказилган ҳар бир учрашув ва йиғилишларда таъкидланди.

Олиб борилган назорат ишларида оромгоҳларда ўюнтириладиган гулханларнинг ёқилиши, улар учун танланган жой атрофи қуриган ўтлардан тозаланган ҳолда бўлиши ва бу ходисалар мутасадди раҳбарлар ва ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг назорати остида ўтказилиши лозимлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Наргиза АСАДОВА,  
«Туркистон-пресс».



ижросидаги күннок қўшиклар, саҳна кўришилари ва шеърлар тадбирга ташриф буюрган ота-оналар, тарбиячиларни хурсанд қилди.

Гўзал ПЎЛАТОВА

(Давоми.  
Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда Тошкент олий умумқўшин кўмандонлик билим юрти Республикализ Куролли Кучларига юқори малакали офицер кадрларни етказиб бериш ва тайёрлаш бўйича асосий ҳамда етакчи олий ўкув даргоҳларидан бири саналади.

Бу йилги битирувчилар ҳам мотоўчи бўлинмалар командири, разведка бўлинмалар командири, командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари

тиёр келажакда осмонда парвоз қилишни, самолёт бошқариши хаёлидан ўтказди. Орзунинг қаноти бор деганларидек, Бобур Мададов мактабни туттагач, ҳеч иккиланмасдан, Жиззах олий ҳарбий билим юртига ҳужжатларини топшириди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишига қабул қилинди.

Яқинда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти битирувчилари тантанали равишда лейтенант ҳарбий унвони, диплом ва кўкрак нишонларини топшириш

риф буюрди. Момонинг айтишича, Нуриддин қизи Гулчехранинг ўғли экан. Набирасини ҳарбий кийимда кўриб, унинг орзуси рўёбга чиққанига гувоҳ бўлишни ният қилган момонинг ҳам севинчи бир олам.

— Фарзанднинг Вatan химоясига шай туришини кўриш ҳар бир она учун тенгсиз бахт, — дейди Гулчехра. — Ўғлим Нуриддиннинг келажакда ҳарбийлар сафида Ватанимиз равнақи, элимиз тинчлиги йўлида хизмат қилишини кўз олдимга келтирсан фахр ва гурурга

ган ота-оналарнинг, кўнглидан ажиб бир ҳислар туғёни мавж ураётгани юз-кўзларидан билиниб турарди.

Махсус факультет бошлиғи полковник Мурод Сафаров етук мутахассис сифатида ўқиши тамомлаётган ёшларни битирувсанаси билан қутлади. Шундан сўнг лейтенант ҳарбий унвони, диплом ва кўкрак нишони топширилди.

Ота-оналар номидан сўз олган Умарали Тўхтақулов ҳам ҳаяконини яшиrolмади. Сабаби, катта фарзанди ол-

Qutlug' ostona



Унда ҳарбий хизматчи-лар, вилоят ва шаҳар ҳоким-лиги вакиллари, ота-оналар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. Тантанали маросимда сўзга чиққанлар Ватанимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз сарҳадлари мустаҳкам мудофаа кўргонига эга бўлганини таъкидлаши.

— Бугун мен учун унтилмас қун бўлди, — дейди самарқандлик Гулчехра Ража-

# ВАТАН ХИМОЯСИ ОЛИЙ БУРЧ

каби мутахассислар бўйича билим, тажриба, кўнкимга ва малакаларни ўзлаштириб, Ватан химояси учун шай бўлиб туришибди.

Дарвоқе, тадбирда малакали ҳарбий мутахассислар тайёрлашда командирлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳиссаси, билим юртининг асосий вазифалари тилга олинди.

— Биз ёш офицерларни тарбиялашда ўз билим ва шахсий ибрати билан намуна кўрсатган билим юрти раҳбариятига миннатдорчилик билдирамиз, — дейди тадбирда сўзга чиқсан битирувчи-лейтенант А.Отамирзаев. — Бу ерда ўрганганларимиз Ватан тинчлиги, осойишталигини сақлаш йўлида аскотади. Биз учун мамлакатимиз Куролли Кучлари сафида хизмат қилиш нафақат Конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънода шон-шарафишига айланмоғи зарур.

\*\*\*

Пастдарғом туманининг Мўри қишлоғида туғилган Бобур мактабдан бўш вактларида томорқада меҳнат қиласи, гоҳида чорва молларини яйловга ҳайдарди. Ана шундай пайтларда еру кўкни мусаффо самода сўз курдатини намойиш этиб учган самолётнинг тантанавор парвозига ҳайрат билан термулар эди. Шунда у беих-

маросими бўлиб ўтди. Барча битирувчилар қатори Бобурнинг ҳам қувонч ва ҳаякони чексиз эди. Унинг орзу ва ниятлари рўёбга чиқди. У кела жақда ҳарбий учувчи бўлиб, ватанимизнинг мудофаа курдатини оширишга, эл-юрт тинчлигини сақлашга хизмат қилишини кўз олдига келтирас экан, ўзини чексиз баҳтиёр ҳис этади.

Битирувчиларга диплом топшириш тантанасига мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан ота-оналар, меҳмонлар ташриф бу юришиди. Тантанада олий ҳарбий билим юрти раҳбарлари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар сўзга чиқиб, битирувчиларни мустақил ишлашга йўлланма олганлиги билан қизғин кутлашди. Битирувчиларни табриклишга келган ота-оналар, қариндош-уругларнинг қўлларида гулдаста, юзларида қувонч...

Етмиш ёшни қаршилаётган Зухра Мингушова набираси Нуриддиннинг тантанасида қатнашиш учун таш-

тўламан.

Тантана шўх куй ва қўшиқларга уланиб кетди. Мактаб ўқувчилари, ҳарбий оркестрлар томонидан ташкил этилган концерт дастури барчанинг қалбига хурсандчилик улашиди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини туттиб, турли жойларда хизмат бурчини ўташ учун йўлланма олган йигитларнинг қувонч ва шодлиги ўзгача. Чунки офицер сифатида Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилиш ҳар бир йигитга чин маънода гурур ва фахр баҳш этади.

\*\*\*

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги махсус факультет битирувчилари тантанасига майдонида тантанали равишда бошланди. Ҳарбий оркестрнинг мардлик ва шиҷоатга чорловчи мусика садолари остида бўлажак офицерлар саф тортишиди. Сўнгра фахрий қоровул ҳамда таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари майдондаги рамзий ёдгорлик пойига гулчамбарлар кўйишиди. Айни шу онда фарзандларини кузатиб тур-

дин мана шу факультетда таҳсил олганди. Бугун эса иккинчи фарзанди ўқиши тамомламоқда. Битирувчи лейтенант Мансур Кўшаев миңбарда сафдошлари ва барча яқинлари олдида ёш офицерлар номидан Ватан сарҳадларини кўз қорачигидек сақлашга сўз берди.

— Беш йил давомида нафакат ҳарбий, балки кўплаб бошқа соҳаларга доир билимларни ҳам эгаллашга муваффақ бўлдим. Ўрганганларимни ҳарбий кисмдаги фаолиятимда кўллашга ҳаракат қиласман. Йигит кишига ҳарбий соҳанинг ўрни бениҳоя катта эканини ўқиш давомида ҳис килдим. Бизларга яратилган барча имкониятлар учун хукуматимиздан миннатдормиз, — дейди битирувчи лейтенант Камолиддин Мансуров.

\*\*\*

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмандонлик-муҳандислик билим юртида ҳам битирувчи курсантларга диплом ва офицерлик унвонлари топшириш маросими зўр тантана тусини олди.

бова. — Чунки, жияним Алишер Эргашев билим юртини имтиёзли диплом билан битиряпти. Ўлайманки, бугун хизматга шайланадаётган барча ёш ҳарбийлар ўз фалиятларида билим юртида эгаллаган тажриба ва кўнкимларини маҳорат билан элу юрт тинчлигини сақлашда муносиб сарфлашиди.

— Болалагимда тоғамни ҳарбий формада кўриб, менда ҳам шу касбга ҳавас ўйғонанди, — дейди битирувчи лейтенант Голиб Баҳриев. — Вақт ўтиб, ҳавас қатъий мақсадга айланди. Мана, бугун орзумга эришдим. Бу ўта машақатли ва масъулиятли вазифа. Шундай экан, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлашда бор куч ва билимимга таянган ҳолда ота-онам, яқинларим, устозларим, халқим ва Президентимиз ишончини оқлашга сўз бераман.

Хар бир қадамида қатъият ва матонат акс этаётган мард ва жасур юрт химоячилари бор экан, юртимиз осмони доимо мусаффо бўлиб, тинч ва осуда ҳаёт кечираётган халқимиз фарононлиги абадий бўлади.

Санобар ЖУМАНОВА,  
Абдулсаттор СОДИКОВ,  
Анвар ҚОБИЛОВ,  
Ҳаким ЖЎРАЕВ,  
«Ma'rifat» мухбирлари



## Ta'limda tadbirkorlik



жамоат ташкилоти ички имкониятларидан ўз ўрнида ва са- марали фойдалани-

Бундок ўйлаб қаралса, ҳар бир мактабнинг ўзига яраша томорқаси бор. Аммо ундан унумли фойдаланиш ўзига хос билим, тажриба, қатъият ва ташаббускорликни талаб қиласди. Жиззах туманинг 37-мактаб жамоаси таълим самарадорлигини оширишда ана шу имкониятдан ҳам ўз ўрнида фойдаланишини йўлга қўиди.

Мактабда 3 гектар ер майдони бор. «Томорқага турли полиз экинлари экиб, қўшимча сармоя олсак бўлмайдими?»

ши муҳим аҳамиятга эгалигини халқаро мутахассислар ҳам эътироф этмоқда. Мактабимиз томорқасидан олинаётган кўшимча сармоя ҳисобига мактабнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамляпмиз. Аълочи ўқувчиларга стипендия берилади. Кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш имконияти кенгаймоқда. Таълим-тарбияда алоҳида кўрсаткичга эга тажрибали устозларни рағбатлантириш ҳам таълим сифатига катта таъ-

мактабга кираверища-катор, қад ростлаган арчалар парваришдан яшнаб-туркираган. Нижолни умид билан ўтказган ҳар бир ўқувчи ўз дарахтининг униб-усишига масъул. Ичкарида иш қизғин: умумтаълим маскани ёзги оромгоҳ сифатига иш бошлади.

Тошкент туманинг б-умумтаълим мактабида жорий ўқув йилида таълим сифати ва самара-дорлигини янада ошириш учун бир қанча дик-қатга молик ишлар бажарилди.

Ўқувчи-ларнинг иқтидор ва билим салоҳиятини янада ошириш учун дарсдан ташқари спорт ва меҳнат, расм-чизмачилик, ёш биологлар, ёш техниклар, моҳир қўллар каби тўга-раклар мунтазам фаолият кўрсатди. Айниқса, фан ойликларида ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган мусобақа ва кўрик-танловлар, фаол тўгараклар иши кўргазмаларининг ташкил этилиши ва ўрганилиб борилиши нафакат ўқувчилар иқтидорини оширишда, балки уларнинг миллий қадриятлар руҳида камол тошилари, зеҳн ва тафаккурини юксалтиришда ҳам муҳим омил бўлди.

Ўқув йили мобайнида ўтказилган "Она тилим — жону дилим", "Пиёда — умринг бўлсин зиёда", "Одобим — офтобим", "Ватан — менинг тасаввуримда", "Маънавият — қалбим қўёши", "Огохлик — давр талаби" сингари мавзуларда ўтказилган ижодий кечга ва кўри-

танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар баркамол авлоднинг янада маънавиятли, зукко бўлиб улғайиши, қалб ва шуурида она Ватан, юрти ҳамда халқига меҳр-садоқат, муҳаббат ва муруват туйғуларини шакллантиришга хизмат қилди.

Мактабнинг кўплаб иқтидорли ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда ютуқларга эришмоқда. Жумладан, жорий йилда мактабнинг меҳнат тўгараги фаолия-

ширишдан ташқари, янги иш услубига кўра, ўйил якунидага яна қўшимча тест саволларига тайёрланамиз. Ўз фанимиз бўйича билимларимиз мустаҳкамланиши учун савол-жавоблар ўтказилади. Бу эса ҳар бир ўқитувчи-мураббийни ўз устида янада ишлашга, изланишга ва давлат дастурларини мукаммал ўрганишга чорлайди, — дейди мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, халқ таълими аълоҳиси

Муқаддас Худойназарова.

Ҳа, янгилик бор жойда самара, масъуллик бор жойда ютуқлар бўлади. Мактабда ўқитувчилар спортига ҳам эътибор қаратилган. 15 нафар ўқитувчидан иборат жамоа ҳар жума куни спортивнинг волейбол ва стол тениси тури бўйича беллашади. Шунинг учун 2009—2010 йилларда туман миқёсида ўқитувчилар ўртасида ўтказилган спортивнинг стол тениси мусобақасида Муқаддас Худойназарова 2-ўринни, волейбол бўйича Марям Усмонова, Диляфрўз Аюпова ва Севара Бозорбоева 1-ўринни эгаллади.

Айни пайтда жамоа ёзги дам олиш жараёни мазмунли ўтказиш, тўгараклар фаолиятини янада жонлантириш, маънавий-маърифий тадбир ва кечаларни «Баркамол авлод йили» давлат дастури талаблари даражасида ташкил этиш чораларини белгиламоқда.

Марям АХМЕДОВА

# МАКТАБ ТОМОРҚАСИ

ундан жамоа катта даромад кўради

деган фикр ўқитувчиларда аввалдан бор эди. Шу тариқа бахорда 1,5 гектар майдонга плёнка тагида картошка экилди. Раҳбарнинг таклифи жамоа томонидан қўллаб-қувватланди. Жамоанинг файрат ва ташаббуси билан яна қўшимча равишда 1 гектар майдонга ошқовок уруғи экилди. Картошкага ўз вақтида ишлов берилиб, сув кўйилди.

Хозирда мактаб жамоаси ҳосилни йиғиштириб олишга кириши. Унинг ўрнига тақрорий экинлар экилади. Шу тариқа, томорқадан бир йилда иккى марта ҳосил олиниди. Бунинг мактаб бюджетига ёрдами катта. Эҳтиёждан ортиқча маҳсулотларнинг бозорда сотилиши эса нарх-навонинг янада арzonлашиши, қишлоқ аҳолиси турмушининг фаровонлашишига хизмат қилипти.

— Биз бу йил мактаб томорқасидаги картошка ва полиз экинларидан 8 млн. сўмлик қўшимча даромад олишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди мактаб раҳбари Рашид Абдураҳмонов. — Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз кечаетгандан бир пайтда ҳар бир оила,

сир кўрсатар экан.

37-мактабда 497 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлса, уларга 35 нафар тажрибали устоз ва мураббий сабоқ бермоқда. Ўқув-лаборатория хоналари, компьютер синфлари ўқувчилар ихтиёрида. Мактаб томорқасидан олинаётган қўшимча сармоя таълим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, турли тадбирларни мазмунли ўтказишига хизмат қилимокда. Ўқувчи ва ўқитувчилар ўтасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, соғлом муҳитни қарор топтиришда биргаликда меҳнат қилишнинг гашти ва натижаси ўзгача.

Абдусаттор СОДИКОВ,  
"Ma'rifat" мухбири

минлайдиган янги турдаги муассасага айланди. Хозир мазкур колледж қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиёт соҳалари бўйича фаолият кўрсатиб, 10та йўналиш бўйича кишик мутахассислар тайёрлаётir. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган.

биология, физика, астрономия ва география фан хоналари, лингафон хоналари лаборатория жиҳозлари ва ўқув асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Коллежнинг ўқув ишлаб чиқариш устахонасида барча йўналишлар бўйича лабораториялар ташкил этилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини амалийётда

ти туман миқёсида биринчи, вилоят миқёсида 3-ўринга муносаб топилди. Ўқувчилар расм-чизмачилик фанидан етти йилдирки, туман миқёсидаги олимпиадада 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида иштирок этади. Жорий йилда Гулноза Абдурашидова биология, Отабек Тожибоев чизмачилик, Нилуфар Faafurova тарих фанидан туман миқёсида 1-ўринни, Шаҳзод Марайимов спортивнинг Турон яккаураш тури бўйича республика биринчилигини, Ноҳирбек Собирбеков эса каратэ бўйича Осиё биринчилигини қўлга киритиб, мактаб фахрига айланди. Бежизга ушбу мактаб тумандан "Олимпия захираси" маскани номини олмаган.

— Таълим даргоҳида ҳар бир ўқитувчи-педагог ўз ишига масъулият билан ёндашади. Ҳар йили тажриба ўташ, малака ошириш, аттестация топ-

хона ва муассасалар билан шартнома тузилиб, туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили коллежни битирган 449 нафар ўқувчидан 427 нафари турли корхона ва муассасаларга ишга жойлаштирилиб, 11 нафари олий ўқув юртларига киришга муясир бўлди.

Касб-хунар колледжидаги корхона ва муассасалар билан ҳамкорликда бу йилги битириувчиларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича ҳам жиддий ишлар амалга оширилаётir. Хуллас, ўқув даргоҳи жамоаси яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда кўпгина жабҳалар учун кичик мутахассислар тайёрлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишяпти.

Софигий ЎРОЗИМБЕТОВ  
Қорақалпогистон Республикаси

Умумтаълим ва махсус фанлар бўйича бта кафедра мавжуд. Асосийси, дарслар ноанъанавий усулларда замонавий компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўтиляпти.

Таълим муассасаси бош ва битта ўқув биноси, ўқув ишлаб чиқариш устахонаси, 200 ўринли ёткўна, ошхона, мажлислар зали ҳамда спорт залига эга. Кимё,

ва пневматика, электро-техника хоналари Германия лойиҳалари асосида замонавий техника воситалари ва ўқув куроллари билан жиҳозланган. Коллежнинг ўқув ишлаб чиқариш устахонасида барча йўналишлар бўйича лабораториялар ташкил этилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини амалийётда

синаб кўришлари учун кол-

## ЮТУҚЛАР КЎПАЙМОҚДА

Мактабга кираверища-

катор, қад ростлаган арчалар

парваришдан яшнаб-

туркираган. Нижолни умид

билан ўтказган ҳар бир

ўқувчи ўз дарахтининг

униб-усишига масъул.

Ичкарида иш қизғин:

умумтаълим маскани ёзги

оромгоҳ сифатига иш бошлади.

Мактабнинг кўплаб

иқтидорли ўқувчилари

ҳар йили фан олимпиа-

далари ва турли кўрик-

танловларда ютуқларга

эришмоқда. Жумладан,

жорий йилда мактабнинг

меҳнат тўгараги фаолия-

ти туман миқёсида би-

ринчи, вилоят миқёсида

3-ўринга муносаб топил-

ди. Ўқувчилар расм-чиз-

мачилик фанидан етти

йилдирки, туман миқёси-

даги олимпиадада 1-

ўринни эгаллаб, вилоят

босқичида иштирок этади.

Жорий йилда Гулно-

за Абдурашидова биоло-

гия, Отабек Тожибоев

чизмачилик, Нилуфар

Faafurova тарих фанидан

туман миқёсида 1-ўрин-

ни, Шаҳзод Марайимов

спортивнинг Турон яккау-

раш тури бўйича республика

бириклиги, Ноҳирбек Собирбеков эса

карата бўйича Осиё би-

ринчилигини қўлга кири-

тиб, мактаб фахрига ай-

ланди. Бежизга ушбу

мактаб тумандан "Олимпия

захираси" маскани номи-

ни олмаган.

— Таълим даргоҳида ҳар

бир ўқитувчи-педагог

ўз ишига масъулият

б

Самарқанд туманиндағы 34-умумтаълим мактабида хам жорий ўкув йилида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. 500 нафардан зиёд ўкувчи таълимтарбия оладиган масканда таълим самараадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ўкув йили мобайнида уларнинг тўлиқ ижросини таъминлашга эришилди. Шунингдек, таълим даргоҳида педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида заҳирадаги мутахассисларни ўқитиш, синовдан ўтказиш ва тажрибасини бойитиш диккәт-эътибордаги масалага айланди.

Муассасада замонавий инновацион технологияларни ўрганиш ва таҳлил килиш учун ижодий гурӯхлар тузилган. Бу маҳаллий шарт-шароитлар хисобга олинган ҳолда ташкил этилди. Инновацион педагогик технологиялар банкини яратиш, улар орасидан маҳаллий шарт-шароитта мосларини танлаш, такомилластириш ҳамда жараёнга татбиқ этиш ижобий самара берди. Ўкувчилар билим самараадорлигини аниқловчи мезон ҳамда мониторинг механизмининг ишлаб чиқилиши сайд-харакатларни янада тўлди. Шунингдек, илгор, маҳоратли ўқитувчиларни аниқлаш ва уларнинг иш тажрибасини оммалаштириш бўйича таълими ташкил этиши каби серқирра ишлар давом этирилди.

Ўтказилган мониторинг таҳлиллари таълим даргоҳида ўқиши ва ўқитиш жараёни янги босқичга кўтарилиганин кўрсатмоқда. Биргана 9-«А» синф ўкувчилари мисолида уларнинг II-IV чораклар якуни бўйича билим самараадорлиги ўрганилганда, уларнинг давлат таълим стандартлари бўйича эгаллаши зарур бўлган билим, малака, кўникма меъёрлари

ўтган ўкув йилига нисбатан анча ошган. Масалан, битирувчи синф ўкувчиларининг она тилидан ўртача билим самараадорлиги 8, адабиётдан 9,7, математикадан 6, тарихдан 4,1, рус тилидан 10,2, физикадан 17,4 фоиз ўтсан. Албатта, мактабда тўрт чорак мобайнида ўкувчиларга ҳар бир фандан

Билим самараадорлиги бўйича кўрсаткичини синflар кесимида кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, ўкувчиларнинг фанларни ўзлаштириш фоизида юқори натижалар кўлга киритилган. 5-«А» синфда ўртача самараадорлик II чоракда умумий 72,6 фоизни ташкил этган бўлса, IV чоракда 76,6 фоиз

ларга пухта билим бериш, уларнинг фан асосларини чукур эгаллаши, маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклантириш учун барча имкониятлар ишга солинган.

Мониторинг давомида фан ўқитувчиларининг дарс

ривожлантириш умуммиллий давлат дастури доирасида таълим муассасасининг барча турдаги спорт инвентарлари билан таъминлангани ҳам бунга замин яратди.

Ўкувчиларнинг умумий билим самараадорлиги йилдан йилга ўсмокда, — деди жисмоний тарбия фани ўқитувчisi Ирода Муинова.

— Мактабимизда келгуси ўкув йилларидан бошлаб қизлар учун бадиий гимнастика тўгарагини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Албатта, бу натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Барча ўқитувчилар таълим тизими олдига кўйилаётган замонавий талабларни чукур тушуниб етишади, бунинг ижроҳиси аввало, ўзимиз, ишласак, изланасак, бу келажақда катта ҳосил беради, деган фикр уларга тинчлик бермайди. Мактабнинг немис тили фани ўқитувчisi Н. Собирова ҳамда бошлангич синф ўқитувчisi М. Арипованинг янги педагогик технологияларни ҳаётга жорий этиш, ўзига хос услублар яратиш, шунинг натижасида юксак самараадорликка эришиш бўйича эришган ютуқлари туман миёсида оммалаштирилди.

Бу умумтаълим мактаби туманда рейтинг кўрсаткичлари бўйича доимо олдинги ўринларни банд этиб келади. Ўкувчи ва педагоглар ҳар йили турли кўрик-танлов ва фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Умид килиш мумкини, ана шу шаҳд, ана шу шижаот мактаб педагоглари фаолиятини янги ўкув йилида ҳам тарк этмайди.

Ҳаким ЖўРАЕВ,  
"Ma'rifat" мухбари

## САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

тўлақонли билим бериш, уларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларини ўрганиши, тўгарагларга қамраб олиш, турли кўрик-танловларга жалб қилиш, ота-оналар билан ишлеш, методбирашмалар фаолиятини жонли ташкил этиш каби серқирра ишлар давом этирилди.

га етди. Бу натижага ҳар бир синфда таълим мазмунини ошириш билан боғлиқ инновацион усуллардан фойдаланилганини кўрсатади. 9-«А» синфда бу кўрсаткич II чоракда 74,3 фоиз бўлиб, IV чоракда 79,8 фоизга етган. Кўриниб турибиди, умумтаълим мактабида ўкувчи-

бераётган синflарида II-IV чорак якуни бўйича ўкувчилар билим самараадорлиги аниқланди. Бу кўрсаткич мактаб бўйича 82 фоизни ташкил этиди. Айниқса, жисмоний тарбия фани бўйича барча синflарда ўзлаштириш даражаси юқори бўлди. Мактаб таълим минни



Нуробод туманиндағи 10-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчisi София Шарипова каштачи қизлар даврасида.

## ФОЛИБЛАР ОШЁНИ

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 171-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси ҳам ўкув йилини муввафқиятли якунлади.

Ушбу даргоҳда 2010 йил бошидан «Баркамол авлод йили» давлат дастурида қўйилган вазифалар моҳиятини ўкувчи-ёшларга тўлиқ етказиши ва жараёнга уларни сафарбар этиш мақсадида режа ишлаб чиқилган бўлиб, қатор тадбирлар ўтказишга киришилди. Хусусан, ўкувчилар ўртасида «Баркамол авлод йили» номли расм, ёрлик, буклет, иншо, шиор ва шеър, мустакил ишлар танловлари бўлиб ўтди. Юқори синф ўкувчилари ўртасида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги маъруzasи ҳамда «Баркамол авлод йили» давлат дастурини ўрганиш юзасидан давра сұхбати уюштирилди. Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича танловнинг ту-

ман босқичида ушбу мактабнинг 6-«Д»синф ўкувчisi Алина Трояновская фахрли 1-ўринни эгаллагани изчил олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлардан далолат беради.

— Ҳар бир янги кун аввалида бошланадиган йигилишда ўкувчилар учун мамлакатимиз, пойтахтимиз ва мактабимиз ички ҳаёти ҳақидаги ўта зарур ҳамда аҳамиятга молик ахборотларни етказиш йўлга кўйилди. Унда қатнашмаслик кўп нарсадан бехабар қолиш билан тенг, — деди мактаб директори Наргиза Мелибоева. — Жамоамизда йўлга кўйилган анъанавий тадбирларга бошқа мактаблар қизиқиши билдиргани боис, тажрибализни баҳам кўриш ниятида Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш инститuti билан ҳамкорликда «Баркамол авлод — мамлакат келажаги» мавзусида ўкув йигини ўтказдик. Унда пойтахт умумтаълим муассасаларидан вакиллар иштирок этишиди. Биз меҳмонларга 7-, 9-синflар-

да физика, тарих фанлари бўйича очиқ интерфаол медиа-дарс, янги педтехнологиялар кўллаш намуналарини кўрсатдик, тўгарак машғулотлари самараадорлигини ошириш бўйича изланиш натижалари билан ўртоқлашдик. Умуман, 2009-2010 ўкув йили биз учун жуда баракали бўлди. Жамоамизнинг жонкуяр муррабийларидан бири Эльмира Валиева «Миллий истиқолол гоёси ва маънавият асослари» фани бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчisi — 2010» танловининг шаҳар босқичида 1-ўринни эгаллади. Тарих фани бўйича Робия Раҳматуллаева туманда 1-, шаҳар босқичида 2-ўринни забт этиди. «Энг яхши кўргазмали куроллар» кўрик-танловнинг шаҳар босқичида мактабимизга биринчи ўрин насиб этиди. Ўкувчиларимизнинг ютуқлари ҳам кам эмас. Бта фан бўйича бошланғич синflардаги олимпиадаларда умумжамоа ҳисобида мактабимиз туманда 1-ўринни эгаллади.

Мактабда дарс жараённи қизиқарли, ноанъянавий тарзда, интер-

фаол услубда олиб борилди. «Географикус» тўгараги аъзоси Рўзи-мурод Усмонов Россияда бўлиб ўтган «Ёш геолог — 2009» ҳалқаро танловида иштирок этиб қайтиди.

Хозирда мактаб битирувчилари билан олиб борилаётган ишлар қизғин паллага кирган. 9-синf битирувчиларини таълимнинг навбатдаги босқичи — академик лицей ва касб-хунар колледжларига тўла қамраб олиш мақсадида ота-оналар билан иш олиб борилди. Битирувчилар Тошкент шаҳри миёсида ташкиллаштирилган касб фестиваларида, тақдимотларда фаол иштирок этишмоқда.

Моддий-техника базаси йил сайнин яхшиланётган, босқичма-босқич капитал таъмирдан чиқарилаётган мазкур даргоҳда, турли танлов Голиблари бўлган ўкувчиларга тиляклар билдирилган ҳужжатлар билан танишар эканмиз, улар устозларининг машақатли меҳнатининг тотли мевалари сифатида бизнинг ҳам кўнглимига илиқлик солди.

Вилоят ШОДИБЕКОВА,  
Мудофаа вазирлиги маънавият ва  
маърифат маркази  
иммий-услубий бўлими  
мутахассиси

Шундай асрлар борки, улар неча асрлар давомида ўқилса ҳам битмас-туганмас маънолар хазинаси бўлиб қолаверади. Бугун ана шундай мерос сирасига кириб бораётган бир асар юзасидан бавзи мулоҳазаларимни билдиримоқчиман.

Тўрткўл индустрисал педагогика коллежида "Маънавият асослари" фанидан дарс бермоқдаман. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмац куч" асари бўйича 1-босқич ўқувчилари га сабоқ бериш менга топширилди. Бошим кўкка етди.

Асар нақадар фидойи руҳда ёзилганлигига яна бир бор амин бўлдим.

Хоразмликларда бир мақол бор: "Ўчоқнинг ўти билан кириб, кули билан чикдим". Кўпинча ўчоқни оиласа қиёслашади. Ўзбекистонимиз ҳам турли миллат ва элатлар ўзаро тинчтотув, фаровонликда ҳаёт кечираётган, кўргони мустаҳкам бир оила мисоли.

Бир инсон қалбида мамлакатга шунчак қайгуриш, унинг аччиқ ўтмишидан ижобий хулосалар чиқариб, бугунни обод қилиш, ҳушёрлик, жонкуярлик, ақл ва тафаккур бирла бутун ҳамиятни ҳар қандай ҳалокатдан асрайдиган йўл — маънавият, қадрият ва миллий менталитетимиз тақозо қылган ишларга

## МУВОЗАНАТ ШАЙНИ

кунда минг, миллион марта юз тутсак ҳам адашмайдиган, зерикмайдиган йўлни кўрсатиш донишмандона заковатнинг белгисидир.

Асар маънавият тарбия масаласида сизга калит вазифасини ўтайди. Бу калит билан эса барча фанларнинг эшикларини очиб кира олиш мумкин. Тарозининг иккита палласини тенг ушлаб турладиган нарсани шайнин дейишади. Жамиятимизни мувозанатда ушлаб турладиган нарса маънавият эканлигини, маънавиятнинг шайнин эса ҳалоллик, соддалик, самимилик, оққўнгиллиллик, ақл-идрок, фахм-фаросат, огохлик, тоғалик ва ҳар қандай кичик ёки катта маънавият жасорат эканлигини асарни ўқибоқ ўқиб олиш мумкин. Нафакат жамият, балки ҳар бир инсон, аввало, ўзининг, қолаверса, оиласи, яқинларининг бехавотир яшаси ва юксалиши учун зарур бўлган шароит, формула, асосни топганини, шу формула, шу асосга амал қилиб яшаса ўзининг бутун куч-кудратини англаши мумкинлигини Юртбошимиз самимилик, содда сатрларда айтиб ўтган. Бунинг биринчиси, миллатнинг ўзига хос ҳусусиятлари бўлса, иккениси, ўтмиши ёртиб турган мәёклар — Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро каби пири комил устозларимизга минг бора мурожаат қилсан ҳам ҳеч қачон зерикмасликни, аксинча, янгидан-янги дур, гавҳар дурдоналарини топиш мумкинлигини, учинчи эса эл-юрт билан бирга бўлиш, қадриятларга амал қилиш зарурлигидир.

**Мунаввара ЮСУПОВА,  
Тўрткўл индустрисал педагогика  
коллежи ўқитувчиси**

Олий ўкув юртларида тўртбеш йил давомида илмлари уммон қадар олим узуннинг мурожаати билан мурожаати, қадар олиб, қалбларини илм нурлари билан нурағшон этиб, кўнгилларини чиннидай ярқаратиб, бир олам режалар билан мактабга ўш ўқитувчи келди...

Тўғрироғи, биз — ёши катта ўқитувчилар шундай билимдон, зиёли ҳамкасларимизнинг сафимизга қўшилишини

салли берамиз. Йўқ, йиллар ўтса-да, бундайлар болалар орасида ҳурмат қозона олмайди. Дарс вақтида бавзи синфхоналарга яқинлашаётib, ўқитувчи иш билан синфхонадан чиқиб кетган шекилли, деган ҳаёлга борасиз. Болаларни тинчиши илинжида эшиқдан бош суқсангиз, ўқитувчининг биринки ўкувчи учунгина дарс ўтаётганини, қолганлар ўз ҳолиша синфда у ердан бу ерга

## ЎҚИТУВЧИ БИЛИМДОНЛИГИ – БИРЛАМЧИ МАСАЛА

кутамиз. Олий ўкув юртларини битирибоқ, жажжи ўғил-қизларга таълим беришга ошиқиб келган ўш ўқитувчилар гайрати шиҷоати бизнинг да ҳавасимизни келтиради. Улардан кўп нарсани ўрганишимиз ҳам мумкин. Билимдон ва изланувчан ўш ўқитувчилар дарров болалар меҳрини қозонади. Бироқ келаётган ўш ўқитувчилар орасида биз кутган натижани бермаётгандар ҳам учраб туради.

Бошида секин-секин ўрганишиб кетар, деб ўзимизга та-

юрганини кўрасиз. Фақат конспект ёздириш, дафтар тўлдиришидан иборат бўлган дарс машгулотлари ўқувчига ҳеч нима бера олмайди. Ана шундайларнинг ўқитувчилар қилиб юрганларини кўриб, уларни ким ишга қабул қилган экан, деб ўйлаб қоламан. Билими, ўқитувчилар маҳорати синовдан ўтказилмаганини уларнинг? Ёки синов муддати давомида дарс ўтиш жараёни кузатилмаганими?

**Турсунали ЮСУПОВ,  
Риштон туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси**

## ХАТЛАРДА ҲОЛАТЛАР БАЁНИ

**Таълим-тарбия жараёнида янги-ланишлар юз беряпти, айрим эски қолиплар бугунги кун талаблари олдида кераксизга чиқиб қолмоқда. Тобора ривожланиб, тараққий этиб бораётган замонда улгаяётган болалар тарбиясига қандай ёндашиш, бу жараённи нималарга асосланган ҳолда ташкил этиш борасида катталар олдида бир қатор муаммолар юзага келаётгани ҳам бор гап. Шундай бир паллада таҳриятимизга кети узилмай келиб турган мактублардан биз юқорида тилга олган масалалар жойларда ўқитувчиларни, ота-оналарни, умуман олганда кенг жамоатчиликни бефарқ қолдирмаётгандиги кўнгилга таскин беради. Чекка бир қишлоқдаги фахрий муаллимнинг куюнишлари, иш жараёнидаги муаммоларни қоғозга кўчирган ўқитувчичининг таклифлари, бугунги кун ҳақида тўғри фикрлашга уринаётган талабанинг қарашларида куннинг долзарб мавзулари акс этган. Хуллас, мактублар жуда кўп. Қуйида сизга ҳавола этмоқчи бўлаётгандаримиз доимий муштариylаримиз — ўқитувчилардан келган. Уларнинг ўй-мулоҳазалари сизни ҳам мушоҳадага чорлаши шубҳасиз.**

Кўп буюк шахсларнинг таржими ҳолларига назар ташласак, улар жуда ёшлиқ чоғлариданоқ, яъни оиласа билим ола бошлаганларига гувоҳ бўламиз. Масалан, Абу Наср Форобий, Лутфий, Жомий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий каби донишмандарнинг юксак даражага етишишида илк асос оиласа кўйилган.

Атоқли академик Қори Ниёзий болалик чоғларини шундай эслайди: "Отам ишдан бўшаган вақтларида турли ҳикоя ва достонлар ўқиб берарди. Ачам эса туганмас эртаклар манбаи бўлиб, уларни фоят усталик билан болалар тилида айтиб берарди. Бундай соатларни мен сабрсизлик билан кутардим. Чунки эртаклар мени шу даражада қизиқтиради, ҳатто айримларида воқеалар тушларимда тақорлланар эди".

Буларни ўқиб, ўйлаб қоламан, бугун ҳам отоналар болаларининг билимни бойита оляптими?

## ФАРЗАНДИНГИЗГА ЁРДАМ БЕРА ОЛАСИЗМИ?

Ўқитувчи бўлганлигим сабабли, кўпинча кўшини болалар кечки пайт, бирор масала, мисол, машққа тушунмасалар, китобларни кўтариб уйимга чиқишиди. Уларга имкон қадар ёрдам бераман. Иложи сезидирмайгина ота-онаси уйда бор ё йўқлигини суршириб кўяман. "Масалага дадам ҳам, онам ҳам тушунмади, мени сизга юбориши", дейди. Буни эшишиб ҳайратим ошади, наҳотки улар бошлангич синф дарслигидаги масалаларни ечишда фарзандига ёрдам беришга охизлик қилишса. Бундай ҳолатлардан хижолат тортишимиз ва илохи борича уялиб қолмаслик учун олган билимларимиз хотирадан фаромуш бўлган бўлса, фарзандимизнинг дарслигидаги мавзуларга кўз юргутириб, уларнинг олдида мулзам бўлиб қолмаслик чораларини кўришимиз керак эмасми? Ана шунда ўғил-қизларимиз улгайланган сари ўзини биздан ақллироқ эканлигини исботлаш пайига тушиб қолмасди. Улар олдида ўз мавқеимизни саклаб қолардик.

**Шерали ЙУЛДОШЕВ,  
Шахрисабз туманидаги 57-мактаб бошлангич синф ўқитувчиси**



## БАЪЗИЛАР МУЛЗАМ БЎЛДИ

7-синфга раҳбарлик қиласман. Ўтказадиган Ота-оналар мажлислариридан доим кўнглим тўлмасди. Бунинг устига, айрим таклиф этилганлар байзан мажлисга белгиланган вақтда келмайдиган ҳолатлар ҳам учради. Шулардан хулоса чиқариб, бу сафар мажлисни ноанъанавий тарзда ўтказишга аҳд қилдим. Аввалио, ота-оналар ва ўкувчилар учун сўровномалар тушиб чиқдим. Кўзлаган биринчи мақсадим ота-оналарнинг ўз фарзандларирини қанчалик билишларини аниқлаш ва унинг натижаларини ўзларига кўрасатиб, фарзандларига қанчалик эътиборли эканлигини исботлаш бўлса, иккинчиси, уларни мажлисга қизиқтириш эди. Мажлис учун иккита ёнма-ён синфхона ажратилди. Бирида ота-оналар, яна бирида уларнинг фарзандлари ўзларига берилилди.

Жараён жуда қизиқарли кечди. Кимdir узоқ ўйланиб, иккиланиб, ҳатто саволга нима жавоб ёзиши билмай, қўшини хонадаги фарзандини кўриб, жавобни сўраб олишга интиларди (албат

та, бунга йўл кўйилмади). Ким учундир эса бу саволлар қийинчилик туғдирмади.

Мажлис сўнгидага ота-оналар натижани тезроқ билишга ошиқишиди. Болалар ва ота-оналар сўровномаларини солишириб, таҳлиллар эълон қилинганида кимdir ўзидан мамнун, кимdir эса мулзам бўлди.

Нима бўлганда ҳам, уларнинг мажлисларни чиқарган хулоса мухим — барча йигилиш жуда қизиқарли кечганини ва шу таҳлит ташкил этилса мъюқул бўлишини айтишиди. Мен эса энди ота-оналар билан муносабатларни мустаҳкамлаш усулалири борасида доимий изланиш олиб боряпман.

**Дилфуза ТОШБОЕВА,  
Жарқўргон туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

**Сахифани З.РУСТАМОВА тайёрлади.**

# ХАР АМАДА БИР МАННО БОР. АСКИН...

Факультет ҳовлисига кирганимда ҳарир либоси энгига ёпишиб қолган күйлеккина қыз ўзини қаерга яширишни билмай иккى құли билан қизарыб кетган юзини яширганча «бұлди, бұлди...» деге ялинганным тақрорлар, бир гурух ынгит-қызылар эса құлларидаги идиш билан унга сув сепища давом этарди. Бу ҳолатни күриб нима дейишимни билмай тұхтаб қолдым. Таажжубланыттанымнан сезган ҳаромхым қүшиб қўйди: «Бу талаба бугун диплом ишини аълого ёқлаб чиқди. Шунинг учун курсдошлари «кутлашыпти...».

Ҳайратим яна-да ошди. «На-хотки қутловнинг шунақа усуллари ҳам бұлса?» «Халиям инсоф қилишыпти-ку. Баъзиларни турлы бўёклар, ҳатто идиштовоқлар ювилган сувлар билан «сийлашади».

Бу жавоб менга бир даврада сўзланган воқеани эслатди: яқиндагина үйланған талаба йигит диплом иши ҳимоя қилиниши белгиланған куни никоҳ маросими учун қыз томонидан маҳсус жұнатылған оқуяллагида келади. Юқорида тилга олинганидек, унинг устига ҳам дўстлари маҳсус турли идишларда тайёрланған сувларни сепиб, шалабbosини чиқаришади. Йигит бу ҳолатда уйига кета олмаслигини билиб яқин атрофдаги талабалар турар жойига бориб, кийим-бошини алмаштирадида, шошилганидан кўялагини

шу ерда қолдириб кетади. Тадбирлар тадбирларга уланған шу кунларда нимаям бўлиб кўйлак йўқолади... Күёви учун ният қилиб олган либоснинг йўқолиши эса она кўнглида аллanelечук хижиллик пайдо қиласди...

Тўғри, бу бир тушумовчиликdir. Лекин дипломи ҳимоясидан чиқсан талабага сув сепища биз тушнадиган қандай маъно бор? Инсоннинг ҳәтидаги унтилмас саналар

## Lug'at

дан бири сифатида қоладиган кун наҳотки англаб-англамайин қилинадиган ҳаракатлар соясида қолиб кетса!

Мен эмас, ўша куни хонадом диплом ишини ҳимоя қилған эди. Уни таниш-билишлар ёткохона ҳовлисида тутиб қолиши. Кўшини хонада турдиган қыз уни «табриклиш»га улгаролмай қолишидан чўчиган шекили, шошилганидан тогорага сув олаётганида иссиқ сувнинг жўнрагини бураган. Дераздан бирга келаётганимизни кўрган эканми, у қолиб менинг устимга қайноқ сувни шалоплатиб отиб юборса бўладими? Ўшанда аъзои бадним ачишганига чидаёлмай у билан даҳанаки жанг қилғанмиз. Ҳали-ҳали бу гина-кудурат муомалаларимизда сезилиб турди...

— Кизим ўша куни янги либосда кетган эди. Кўялак-

ку, майли. Хўл кийими билан автобусга чиқишга мажбур бўлган. Етиб келгунича дера-здан эсган шабада таъсириданми, қаттиқ шамоллаб колди. «Ёзинг тумови курсин» деганларидек, ҳали-ҳали асорати сезилади...

— Сув-ку-сув. Унинг таркибиға зелёнка, томат пастаси, тухум аралаштириб челак-челак тайёрлаб қўйишиади...

Бу сұхбатларни эшишиб кишининг энсаси қотади. Хўш, бизнинг қайси удумларимиз қолипига сиғади бу уринишлар? Ҷақалоқни бешикка солиш, келин-куёвнинг остоңдан кириб келиши каби маросимларда турли қанд-курслардан сочқилар сочилиши, кудандалар бир-бира билан аҳилиноқ бўлсин, деган маънода истиқболларига ширинликлар кўтариб чиқиш, баъзи жойларда юзимиз ойдин бўлсин дея, билинар-билинмас ун суртиб кўйишларининг гувоҳи бўлганмиз. Лекин сув сепилиши...

...Эртага оғайним дипломини ҳимоя қиласди. «Ювиш»да иштирок этмасам хафа бўлади..., деге сувга яна нималарни қўшиши хайл қилаётган навқирон замондошим, аввало, ўртоғингиз нимадан ранжиши мумкинлигини тушуниб олинг. Сиз эса бир даста гул билан қаршисидан чиқинг. Унинг анвойи ранглари барчага кувонч улашиши эса шаксиз.

## O'yubi очилова

— Ойбуви очилова

— О

# Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 2010–2011 ўқув йилида қуидаги бакалавр йўналишлари бўйича талабаликка қабул эълон қиласди

Тартиб рақами	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида	Тўлов-контракт асосида
1	Миллий фоя; маънавият асослари ва хуқук таълими	25	10	15
2	Ўзбек тили	80	35	45
3	Нутқ маданияти ва нотиклик санъати	25	10	15
4	Инглиз тили	50	20	30
5	Немис тили	25	10	15
6	Француз тили	25	10	15
7	Рус тили	40	15	25
8	Хитой тили	25	10	15
9	Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гурӯҳларда)	25	10	15
10	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	80	35	45
11	Фалсафа	25	10	15
12	Археология	25	10	15
13	Санъатшунослик (турлари бўйича)	25	10	15
14	Психология (фаолият турлари бўйича)	50	20	30
15	Социология	25	10	15
16	Журналистика (фаолият турлари бўйича)	80	30	50
17	Архившунослик	40	10	30
18	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	75	25	50

Тартиб рақами	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида	Тўлов-контракт асосида
19	Бизнесни бошқариш (тармоқлар бўйича)	25	10	15
20	Юриспруденция (фаолият турлари бўйича)	50	15	35
21	Биология	125	50	75
22	Ихтиология	25	10	15
23	Физика	100	35	65
24	Механика	25	10	15
25	Астрономия	25	10	15
26	Кимё	100	35	65
27	География	60	25	35
28	Гидрометеорология	40	15	25
29	Геология	40	15	25
30	Геофизика	25	10	15
31	Геокимё, минералогия ва петрография	40	10	30
32	Математика	75	30	45
33	Амалий математика ва информатика	75	30	45
34	Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича)	75	30	45
35	Агрокимё ва агротупроқшунослик	25	10	15
36	Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)	25	10	15
<b>Жами</b>		<b>1700</b>	<b>650</b>	<b>1050</b>

## Абитуриентлар қуидаги ҳужжатларни топширадилар:

- ректор номига таълим йўналиши, ўқитиши тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;
- ўрта ёки ўрта маҳсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асли;
- 086/У-шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3.5x4.5 см. ҳажмдаги бта фотосурат.
- Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади.

**Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси. Мўлжал: Беруний метро бекати.  
Тел:(8371) 246-99-03, Факс: (8371)246-02-24



# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

## 2010-2011 ўқув йилида қуидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича талабаликка қабул эълон қиласди:

- Касб таълими: иқтисодиёт;
- Касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари;
- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- Бизнесни бошқариш (тармоқлар бўйича);
- Банк иши;
- Солиқлар ва солиқча тортиши;
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича);
- Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- Менеджмент иқтисодиёти ва социологияси;
- Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича);
- Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси.

**Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.**


**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 20 июндан 20 июлгача.**

**Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.**

**Манзил:** Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
Олмазор кўчаси 183-үй, 2-бино.  
Маълумот учун телефонлар: 232-63-47; 245-43-68.

## Ўқишга киришни хоҳловчилар қуидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- ректор номига таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ариза;
- ўрта ёки ўрта маҳсус маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3,5x4,5 см. ҳажмдаги бта фотосурат;
- 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси.



**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети 2010-2011 ўкув йилида қуидаги  
магистратура мутахассисликлари бўйича талабаликка  
қабул эълон қилади**

Тартиб рақами	Мутахассисликлар	Жами	Давлат грантлари асосида	Тўлов- контракт асосида
5A141501	Маънавият асослари	6	1	5
5A141502	Миллий гоянинг фалсафий масалалари	6	2	4
5A220101	Адабиётшунослик (тиллар бўйича):  Рус адабиёти	6	2	4
	Ўзбек адабиёти	6	2	4
5A220102	Лингвистика (тиллар бўйича):  Ўзбек тили	6	2	4
	Инглиз тили	8	2	6
	Туркий тиллар	6	2	4
	Немис тили	6	2	4
	Француз тили	6	2	4
5A220104	Адабий манбашунослик ва матншунослик	6	2	4
5A220201	Ўзбекистон тарихи	6	2	4
5A220203	Умумий тарих	6	2	4
5A220204	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари (мамлакатлар бўйича)	6	2	4
5A220801	Археология	6	2	4
5A220302	Фалсафа тарихи	6	2	4
5A220304	Этика	6	2	4
5A220309	Ижтимоий фалсафа	6	1	5
5A220314	Фан фалсафаси ва методологияси	6	1	5
5A220802	Этнология, ижтимоий (маданий) антропология	6	1	5
5A310106	Амалий сиёsatшунослик	6	1	5
5A310108	Ижтимоий тизим ва жараёнлар- нинг аҳборот ва психологияк хавфсизлиги	6	2	4
5A310201	Умумий психология, психология тарихи	6	2	4
5A310215	Спорт психокоррекцияси	6	2	4
5A310216	Спортчилар тайёрлаш психологияси	6	2	4
5A310302	Социологик тадқиқот усуслари	6	2	4
5A320101	Журналистика (фаолият турлари бўйича)	6	2	4
5A320101	Олий журналистика курслари	40	0	40
5A320103	Телевидение ва радиоэшифтириш	6	2	4
5A320104	Ноширлик иши ва муҳаррирлик	6	2	4
5A320105	Жамоатчилик билан алоқалар	6	2	4
5A320301	Архив иши назарияси ва амалиёти	6	1	5
5A340103	Макроитисодиёт	8	2	6
5A340105	Минтақавий иктисадиёт	8	2	6
5A340206	Мехнат ресурсларини бошқариш	6	1	5
5A340402	Персонални бошқариш	6	1	5
5A380102	Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурӣ ҳуқуқ; молия ҳуқуқи	6	1	5
5A380103	Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ	6	1	5
5A380104	Хўжалик ҳуқуқи; хўжалик процесси	6	1	5
5A420109	Биоинформатика	6	2	4
5A420120	Молекуляр биология	6	2	4
5A420105	Одам ва ҳайвонлар физиологияси	6	2	4
5A420106	Микробиология	6	2	4
5A420121	Генетика	6	2	4

Тартиб рақами	Мутахассисликлар	Жами	Давлат грантлари асосида	Тўлов- контракт асосида
5A420117	Биофизика	6	2	4
5A420119	Биокимё	6	2	4
5A420108	Биотехнология	6	2	4
5A420115	Ихтиология	6	2	4
5A420112	Паразитология	6	2	4
5A440101	Назарий физика	6	2	4
5A440103	Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси	6	2	4
5A440105	Лазер физикаси	6	2	4
5A440106	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси	6	2	4
5A440109	Радиофизика	6	2	4
5A440112	Ядрорий технологиялар	6	2	4
5A440114	Полимерлар физикаси	6	2	4
5A440202	Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси	6	2	4
5A440401	Ноорганик кимё	7	2	5
5A440402	Аналитик кимё	6	2	4
5A440403	Органик кимё	6	2	4
5A440404	Физик кимё	6	2	4
5A440407	Юқори молекуляр бирикмалар кимёси	6	2	4
5A440410	Биоорганик кимё	6	2	4
5A440411	Нефт ва табиий газ кимёси	8	2	6
5A440501	Иқтисодий ва ижтимоий география	6	2	4
5A440609	Гидрокимё	6	2	4
5A440601	Метеорология	6	2	4
5A440606	Сув омборлари ва кўллар гидрометеорологияси	6	2	4
5A440705	Палеонтология ва стратиграфия	6	2	4
5A440708	Фойдали қазилмалар конларини қидириш ва геологик суратга олиш	7	3	4
5A441001	Геофизиковий тадқиқот усуслари	7	3	4
5A441004	Фойдали қазилмалар конларини геофизиковий усувлар ёрдамида қидириш ва разведка қилиш	8	3	5
5A441101	Гидрогеология	8	3	5
5A441204	Эксперт минералогияси	6	1	5
5A460101	Математик таҳдил	6	1	5
5A460102	Дифференциал тенгламалар	6	1	5
5A460103	Геометрия ва топология	6	2	4
5A460104	Эҳтимоллик назарияси ва математик статистика	6	2	4
5A460105	Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси	6	2	4
5A480101	Хисоблаш математикаси	6	2	4
5A480103	Амалий математика ва аҳборот технологиялари	6	2	4
5A480104	Математик моделлаштириш, сонли усувлар ва дастурлар мажмуаси	6	2	4
5A460107	Математик физика	6	2	4
5A521904	Компьютер тизимлари ва тармок- ларининг дастурний таъминоти	6	2	4
5A540101	Амалий геодезия	6	1	5
5A540105	Геодезия ва картография	6	2	4
5A620101	Агротупроқшунослик	6	1	5
5A620102	Агрокимё.	6	1	5
<b>ЖАМИ</b>				<b>571</b> <b>159</b> <b>412</b>

**Магистратурага кирувчилар қуидаги ҳужжатларни топширадилар:**

- ректор номига магистратура мутахассислиги,  
ўқитиши тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;
- олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асли  
ҳамда унинг иловаси;
- 086/У-шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3x4 см. ҳажмдаги бта фотосурат;
- Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги  
ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади.

**Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси.

Мўлжал: Беруний метро бекати. Тел:(8371) 246-99-03, Факс: (8371)246-02-24



**Болаларнинг жисмонан соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишиши учун юртимида барча шарт-шароитлар яратилган. Мазкур йўналишда олиб борилаётган давлат сиёсати эса фикримизнинг яққол далиллайдир. Боланинг келажакда жамият учун фойдали инсон бўлиб камол тошишига аввало оиласда тамал тоши кўйилади. Бунда оиласда ота-оналарнинг фарзандларига берётган тарбияси билан бир қаторда унинг овқатланишини тўғри ташкил этиши ҳам мухим аҳамият касб этади. Бола организмида пайдо бўлувчи бир қанча муаммолар аксарият ҳолатларда таомларни тўғри танланмаганинги билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бунга эса озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг фойдали жиҳатлари ҳамда истеъмол қилинг тартиблари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигимиз сабаб бўлади.**

**Бугун инсон, айниқса, ўсишда давом этаётган бола организми учун жуда фойдали бўлган сутнинг озуқавий хусусиятлари билан сизни Тошкент педиатрия тиббиёт институти доценти, тиббиёт фанлари номзоди Баҳриддин Эшдавлатов таниширади.**

**— Сұхбатимизнинг сутнинг таркиби, унинг организм учун фойдали жиҳатлари ҳақида фикрлардан бошласак...**

— Нафакат инсоннинг, дебарли барча жонзотларнинг илк егулиги ҳисобланган сут барча озиқ-овқатлар ичидаги энг мукаммали ҳисобланади. Она сутининг афзалиги шундаки, эмган бола ўшига нисбатан тўлақонли ўсади. Ўз вақтида она сути билан тўлиқ озиқламаган болаларнинг ўсиш жараёни суст кечади, касалликка мойил бўлади.

Сигир сути таркибий жиҳатдан она сутига яқин. Она сутидаги мавжуд ёғлар, оқсиллар, витаминлар ҳам сигир сути таркибида мавжуд, аммо тузилиши жиҳатидан у она сутидан фарқ қиласди. Масалан, сутдаги оқсил моддаси уч хил бўлади: казеин(казеиноген), лактоальбумин ва лактоглобулин. Она сутининг таркибида ҳам шу оқсиллар бор. Аммо сигир сутида улар қоришик ҳолда бўлиб, уни бола анча қийин ҳазм қиласди. Шунинг учун ҳам 1 ўшгача бўлган болага сигир сутини беришида сутга сув кўшиш керак. Бунда оқсиллар миқдори сувда эриб, таркиб жиҳатдан она сутига яқинлашиди ва углеводлар камаяди. Оқсиллар ичидаги энг асосийи казеин бўлиб, у 2,7 граммни ташкил этади. Казеин моддаси ёғларнинг ташки томонидан қобик ҳосил қиласди. Сутдаги оқсиллар 94-97 фоизгача тўлиқ ўзлаштирилади. Оқсил — ҳаёт манбаи. Организмга талаб қилинадиган оқсил миқдори сут орқали кириши зарур. Сут таркибидаги

ги касалликларининг олдини олади. Шундай экан, инсоннинг болаликда озиқланиш борасида йўл кўйган камчиликлари ўрнини кейинчалик тўлдириб бўлмайди.

**— Мактаб ёшидаги болалар таомномасида сутнинг бўлиши қанчалик мухим?**

— Айниқса, ўкувчи-ёшларга сут беришнинг аҳамияти катта. Ўкувчилар организмида ўсиш жараёни тез кечиб, ҳаракатланиш, билим олишида сутнинг кўпроқ истеъмол қилиниши уларнинг иммунитети ошишига хизмат қиласди. Сут таркибидаги лимон кислотаси бор. У одам фаолияти-

— Сут соғиб олинганидан кейин унинг истеъмолигача бўлган вақт беш соатдан ошмаслиги лозим. Зоро, эрталаб сотишга олиб келинаётган сут кечкурун соғилган бўлиб, аксарият сотовчилар унинг юзашида туни билан йигилган қаймогини олиб кейин сотишади. Бундан ташқари, соғилганидан кейин 2-3 соат ичидаги истеъмол қилинмаган сутнинг таркиби сифат жиҳатдан ҳам ўзгарида. Дизинфекцияланмаган, қайнатилмаган идишларда сутни ташиб унга турли хил бактерияларнинг осон тушишига

# СУТ - ТЕТИКЛИК МАНБАИ

иккинчи асосий нарса углевод бўлиб, у кувват манбаи ҳисобланади. Углевод, полисахарид, дисахарид ва моносахаридлар кўринишида бўлиб, ҳужайралар таркибидаги минохондрияларда йигилади. Сут таркибидаги углеводларнинг организмида ўрнини ҳеч бир модда билан алмаштириб бўлмайди. Углеводлар она ва сигир сутининг таркибидаги альфа, бетта лактоза кўринишида бўлади. Сигир сутида альфа лактоза сифатида намоён бўлиб, бетта лактозага қараганда уларнинг эмульсияланишига кўпроқ вақт кетади. У инсон иммунитет тизимини оширади. Демак, инсон бутун умри давомида сут истеъмол қилиши керак.

**— Айнан қайси касалликларнинг олдини олишида сут истеъмол қилининг аҳамияти катта?**

— Кальций етишмовчилиги суюкларнинг мўртлиги, калийнинг озлиги юракнинг заифлашувига олиб келиши мумкин. Биламизки, кальций энг кўп миқдорда сутда учрайди, унинг етарли даражада истеъмол қилиниши болаларда рахит, катталарда эса остеопороз, яъни суюкларнинг мўртли-

нинг меъёрлашишига, организмнинг турли касалликларга бўлган чидамлилигини оширишга хизмат қиласди. Лимон кислотаси эса бошқа маҳсулотлар — лимон, анор меваларига нисбатан ёш бола организмида энг кўп даражада сут билан киради. Ўкувчилар соғлом, бақувват ўшишлари учун бир кунда камидаги 200 мл. сут ичишлари керак. Бунда бола организми кунлик кальций ва В<sub>2</sub> миқдорининг 40 фоизини, А витамини, ёғ ва оқсилларнинг 16 фоизи билан таъминланади. Айтиш жоизки, болаларнинг келажакда жисмонан соғлом, ақлий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари учун айнан мактабларда уларни мунтазам сут билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиши зарур. Бу борада ота-оналар ҳам оиласда фарзандларни таомномасига кўпроқ сут ва сутдан тайёрланадиган маҳсулотлар, ширинликларни киритсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.


**— Сутнинг истеъмол учун яроқлилик муддати, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жиҳатларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

муҳит яратиб, улар ўз навбатида турли хил касалликларни келтириб чиқаради. Бугунги кунда кенг фойдаланилаётган елим идишларни эса қайнатиб бўлмайди. Албатта, сотовчилар турли хил кимёвий таркибга эга бўлган ичимликлар, ҳаттоқи заҳарли эритмалардан бўшаган пластик идишлардан ҳам фойдаланиб, уларни стерилламай, совук сувда бир чайиб олишади, холос.

Ҳар куни сут ташиб учун бундай идишларни кўчалардаги ахлат кутилардан ҳам теришларини эшитганман. Бундан ташқари, сигир нима билан озиқланган, қандай касалликлар билан касалланганини ҳам билмаймиз. Зоро, сутнинг қиммати айнан ана шу омиллар билан ҳам белгиланади.

Афсуски, кўпгина сут сотовчилар кўпроқ фойда олиш учун сутга сув, кислоталилигини камайтириш учун чой содаси,

куюклилигини ошириш учун крахмал кўшишади. Бунда унинг таркибий сифат кўрсаткичи тушиб кетади. Бола сутнинг таркибий қисмини тўлиқ ололмаса, организмга сув тушгандай гап. Касалланган сигир сути истеъмол қилиниши натижасида эса турли хил ошқозон-ичак хасталиклари ва корасон, бруцеллез, сил касалликлари юқиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир инсон, хоҳ у бола, хоҳ катта ёшли одам бўлсин текширилган, сифати кафолатланган, фойдали сут ичгани маъкул. Дўконларда сотовиаётган қадоқланган сут юқори ҳароратда ультрапастеризация қилиниб, бир неча сонияда 135-145 даражада қиздирилади ва шу заҳоти совитилади. Бу жараёнда сутдаги заарли бактериялар ўлиб, озуқавий моддалар ва витаминлар саклаб қолинади. Зоро, кўлдан олинган сут кўп қайнатилганда унинг тар-



кибидаги озуқавий моддалар 70 фоизгача камаяди. Албатта, бу жараёнда ҳам зарарли бактериялар йўқолади, аммо сутнинг сувдан деярли фарқи қолмайди. Шундай экан, фарзандларимиз соғлиги ўз қўлимида. Уларнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайишлари учун уларнинг овқатланишига эътиборни кучайтириш лозим.

**Наргис ҚОСИМОВА  
сұхбатлаши.**

## ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ 2010-2011 ўкув иили абитуриентларини 24, 25, 26 июнь кунлари «Очиқ эшиклар куни»га ТАКЛИФ ЭТАДИ

**9:00 дан 16:00 гача давом этаидиган  
тадбирда институтда мавжуд  
бўлган барча йўналишлар  
ҳақида батафсил маълумотлар  
олишингиз мумкин.**

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри,  
Шоҳжаҳон кўчаси, 5-йи.  
Телефонлар: 253-06-06, 253-36-66  
[www.titli.uz](http://www.titli.uz)  
E-mail: titlp\_info@edu.uz**



## СУВ ТОШҚИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОКДА

Хитой жанубида юз берган кучли сув тошқинлари туфайли ҳалок бўлган инсонлар сони 175 нафарга етди, юздан ортиқ одамлар эса бедарак йўқолган, деб хисобланмоқда. «Синхуа» ахборот агентлиги маълумотларига кўра, табиий оғат кучли ёмғирлар туфайли вужудга келган, натижада кўплаб дарёлар ўзанидан чикиб, қишлоқ хўжалиги худудларини сув босган.

Тошқиндан энг кўп зарар кўрган худудлар — бу Фуцзян, Цзянси, Хунан, Гуандун, Сичуан, Гуйчжоу ва Гуанси провинциялари эканлиги билдирилди. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг таъкидлашича, ҳозирга қадар бу жойлардан 2 миллионга якін аҳоли эвакуацияни провинциялар эканлиги билдирилди. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг таъкидлашича, ҳозирга қадар бу жойлардан 2 миллионга якін аҳоли эвакуацияни провинциялар эканлиги билдирилди.



Кўра, ёғингарчиликлар яна давом этиши мумкин экан. Эътиборлиси, атиги бир неча ой олдин мазкур ҳудудларда энг кучли қурғоқчилик кузатилаётганди.

## КАДИМИЙ АВАРИС ШАХРИ ТОПИЛДИ

Австриялийк археологлар Мисрда таҳминан 3,5 минг йил илгари барпо этилган қадимиш шаҳарни аниклашди. АП берган маълумотларга кўра, манзилго Нил дарёсининг шарқий дельтасида жойлашган. Ҳозир мутахассислар қадимги Аварис шахри истилочи гиксос қабилаларининг пойтахти бўйиб, улар мазкур ҳудудда бир аср ҳукмронлик қилишган, деган тўхтамга келишган.

Тарихдан маълум, гиксослар эрамиздан аввалги 1664—1569 йилларда Миср бошқарувини ўз қўлларида ушлаб турган. Уларнинг ҳукмронлигига XVIII сулола асосчиси Яхмос I чек кўйган: бу инсон ўзик давом этган урушдан сўнг Аварисни эгаллашга ва босқинчиларни мамлакатдан чиқариб юборишга муваффақ бўлган.

Қадимиш шаҳар Нил дельтасини ўрганиш мақсадида ўрнатилган ма соғавий радар ускуна ёрдамида аниклашган. Оқибатда, курилма орқали олинган суратлар Аварис кўчаларининг жойлашувини яқол тасвирида кўриш имконини бермоқда. Олимлар турархойлар, ибодатхоналар ва бошқа иншоотлар қандай жойлашгани ҳакида батафсил маълумотга эга бўлишнинг уддасидан чиқишган. Айтиш керакки, археологлар олдида турган энг асосий вазифа топилган ероғи шахри қандай ҳажмда эканини аниклашдан иборатdir. Лекин ҳудудда қишлоқ хўжалиги ишлари олиб борилаётгани боис мазкур ишни амалга ошириш бироз қийинчиликлар түғдирмоқда. Шунинг учун ҳам мутахассислар Аварис шахрида қазилма ишлари қачон бошланишини аниқ белгилашмаяпти. Айни пайтда улар қадимиш шаҳарнинг жойлашви борасида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш, шундан келиб чиқсан ҳолда, қазилма ишлари ҳажмини белгилаш мақсадида ўз фаолиятини давом эттиришмоқда.



## ЖАНУБИЙ КУТБДАГИ ЁРКИН НУР



Айни кунда Ҳалқаро космик станция (ХКС)да иш олиб бораётган астронавтлар гурухи сайёрамизнинг Жанубий кутбida жуда ҳам тез ёрғулар кузатилгани ҳакида маълум килган. Мазкур ҳодиса якин кунлардаги Қўёш шамоли натижасида юзага келган, дейилади «Кибер сэ-кьюрити» манбасида.

ХКСда фаолият юритаётган НАСА астронавтларининг сўзларига қараганда, кутб ёрғулиги олдинига иккита бир-биридан мустақил ва ўта ёрғуларни чизиклар шаклида намоён бўлган. Кейинчалик улар биттага бирлашиб кетгани кузатилган.

Ер сатҳидан 355 километр баландлиқда жойлашган космик станциядан олинган маълумотларга кўра, ёрғуларнинг катта қисми яшил рангдаги диапазонда, қолгани эса қизил ва оловранг тусга кирган.

— Умуман олганда, кутбларда кузатиладиган барча ёрғуларлар маълум турларга бўлинади, — дейди бу ҳақда Ердаги назорат маркази илмий ҳодими Майк Вебер. — Баъзан улар рангли алоҳида-алоҳида чизиклар, гоҳида эса нукталар шаклида намоён бўлади. Аслида кутбдаги ёрғулар Кўёш юзасидан чиқадиган зарядланган зарралар туфайли кузатилади. Мазкур зарраларнинг Ер тортиси куни — гравитация билан таъсири натижасида шу каби ажабтурор геометрик шаклдаги нурлар пайдо бўлади.

Маълумот ўринда айтиш жоизки, энг кучли кутб ёрғулиги охирги марта жорий йилнинг май ойида қайд этилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, одатда бу каби нурланишлар қиши ва ёз фаслларига нисбатан баҳор ҳамда кузда кўп кузатилар экан. Ердан туриб кузатилганда, бундай ёрғулар тез ўзгариб, товланадиган осмондаги ҳаракатлашувчи нур ёки чизиклар каби кўринишда бўлади. Уларнинг ёрғулар таратиш вақти 10 дақиқадан бир неча кунгача чўзилиши мумкин.




## КЎЗ КАСАЛЛИГИ АВЖ ОЛМОКДА(МИ?)

Статистик тадқиқотлар АҚШ аҳолиси орасида узокни кўролмаслик ҳасталиги (миопия) кўпайётганидан далолат бермоқда. «Архивз оғ Офтальмоложи» журналида ёзишича, 2004—2009 йиллар оралиғида миопия аникланган беморлар сони бундан 30 йил илгариги даврга нисбатан анча кўп экан.

Океанортидаги Кўз институти ва Соглиқни сақлаш миллий институти ҳодимлари мазкур йўналишда тадқиқот ўтказдилар. Жараёнда улар томонидан 1981—86 йиллар ўтасида узокни кўролмаслик касаллиги 4436 нафар беморда аникланниб, 2004—2009 йилларда эса бу кўрсаткич 8339тага етгани қайд этилди.

— Узокни кўролмаслик шундай касаллик турики, у кузатилганда кўрилаётган объект тасвири одатдагидай кўзнинг тўр пардасида акс этмайди, балки унинг тўғрисида жойлашади, — дейди етакчи мутахассис Сьюзан Витэл. — Натижада, тасвир хирадашади. Тўғри, бу ҳолатни контакт линзалар ёки рефракцион жарроҳлик операцияси ёрдамида бартараф этиш мумкин. Аммо бизни касалликнинг кўп кузатилиши ҳолати хавотирга солмоқда. Шу сабаб кейинги изланишлар мобайнида юзага келган вазиятни чукурроқ ўрганишни режалаштирилпаз.




## ЖУМБОҚ ЕЧИМ ТОПАДИМИ?

Мехико университети олимлар гурухи Қўёш тизимидағи энг катта жумбоклардан бири тез орада ўз ечимиши таъкидлашмоқда. Аникроғи, нима сабабдан Венерада шамоллар эсиши сайёранинг ўз ўки атрофида айланиш тезлигидан ҳам катта эканига жавоб топилиши мумкин. ArXiv.com портала бу масалага багишланган мақола зълон килинди.

Маълумот ўринда айтиш зарурки, Венера Ердаги суткалар билан ўлчаганда 243 кунда бир марта айланади. Айни пайтда сайёрадаги шамолларга Венера атрофида бир марта тўлиқ айланаб чиқиши учун атиги икки сутка талаф этилади. Бунда уларнинг тезлиги сониясига 200 метрга тенг бўлиши ҳам аникланган. Мазкур ҳолатни олимлар ўта тез айланиш (суперайланиш) деб аталди, у фақат Венера ва Сатурннинг йўлдоши Титанда кузатилади.

Даставалига астрофизиклар ушбу ҳолатни ўзок йиллардан бўён ўрганиши татиҳасида сайёрадаги кундузги ва тунги ҳарорат кўрсаткичлари ўтасидаги фарқ шамолларнинг бундай тезлигини изоҳлади, деган фикри илгари сурешанди. Айни пайтда улар Венера тупроғининг ёпишқоқлиги шамоллар тезлигини бироз бўлса-да, сусайтириш зарурлигини ҳам таъкидлашган. Лекин бундай ҳолат кузатилмагач, ҳаво массаларининг юқори тезлиқда ҳаракатланишига яна бошқа сабаб изланди.



Ҳозирги кунда тадқиқотчи Гектор Доран-Мантерола бошчилигидаги мутахассислар таҳминига кўра, шамолларнинг тез ҳаракатланишига сайёра юқори қатламларида эсаётган бундан-да шиддатли шамол оқими турткни бўляпти. Етакчи олимнинг таъкидлашича, Венера юзасидан 150-800 километр баландлиқда жойлашган ионосферадаги шамоллар ўта тез айланиш ҳолатида мухим аҳамият касб этиди. Чунки ҳисоб-китоблар Венера атмосферасидаги ҳаво оқимининг ҳаракатланишига ионли шамоллар таъсири тупроқ ёпишқоқлиги туфайли йўқотиладиган энергиядан ҳам кўпроқ кувват беришини кўрсатди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, тадқиқотлар шамоллар тезлигига асосли изоҳ топилганини таъкидлашган.

**Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.**

2000 йилда 1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан Умиршаевна Гулнора Худайбергановна номига берилган 379490 рақамли диплом йўқолганилиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Паркент туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Жўраев Дилшод Ўқтамович номига берилган O'R-Sh № 0740975 рақамли шаҳодатнома йўқолганилиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институт раҳбарияти ва жамоаси институтнинг «Масофадан ўқитиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими» бошлиги Толибай Ҳайдаровга волидаи мухтарамаси

**Мизар ая ШАКАРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.**

Низомий номидаги ТДПУ жамоаси университет «Санъат» факультети «Чолғу ижроилиги» кафедрасининг концертмейстери Гулнора АБДУНАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

# ХАСТИНГ: БОКУВІ ТАМОІВІУВІ



Илмга меҳр қўйганлигим боис олий ўқув даргоҳини ту-  
гатиб, Ўзбекис-  
демиясининг  
гия институти-  
*Ehtirom*   
Кўп ўтмай, аспирантурада ўқиши давом эттиридим. Ака-  
демик Раҳима Аминова илмий раҳбарим, Яҳё Фуломов,  
Ҳабиб Турсунов, Фуломқодир Рашидов, Комил Оқилов  
сингари илм-фан фидойилари устозларим бўлганидан фах-  
рланаман.

Илм-фан намояндаси, моҳир педагог бўлиши билан бирга уни катта тажрибага эга тарғиботчи, нотик, жамоат ишларини доимо сидқидилдан адо этувчи инсон сифатида кўпчилик ҳурмат қиласи. Ўзбекистон телевидениесида бир қатор кўрсатувларни олиб боришда билим ва иқтидорини намоён этганлиги эътиборга молик.

Шу ўринда кўпчилик учун таниш бўлган ҳикоятни эслатиш жоиз. Унда ота тимсолида ҳаёт мазмун-моҳияти теран ифода этилган. Яъни, у “Падари бузрукворим ва волидаи муҳтарамамнинг дуосини олиб, маънавий қарзимни узяпман, ўғил-қизларимни боқиб-тарбияляпман ва улар ҳам умргузаронликнинг шу бокий тамойилини давом эттиришларидан умидворман”, — деди. Курбон Мўминов ҳам ота-онаси, устозларидан олган ўгитларини, билимларини илм-фанга, мураббийликка йўналтирди. Ўзи ҳам ярим асрдан ортиқ вақт давомида минглаб йигит-қизларга таълим-тарбия берди, юзлаб ёшларга илм соҳасида йўлларини топиб олишларига кўмаклашди, ўнлаб олимларга устозлик қилди. F.Махмудназаров, Ў.Эрбўтаева каби ёш олимлар унинг раҳбарлигига номзодлик диссертацияларини ёқладилар. У йигирмага яқин номзодлик диссертациясига расмий оппонент бўлди.

Юқорида келтирилган ҳикоят моҳияти Курбон Мўминов зиёлилар оиласи асосчисидир. Олти фарзанднинг барчаси — улардан бири фан доктори, профессор, бошқаси фан номзоди, доцент, ўн етти набира ва чеварадалар хонадон сарбонига муносиб бўлишга интилишмокда, умргузаронликнинг бокий тамойилига содик эканини ҳар жабхада намойиш этишмокла

Суннатилла САЙДАЛИЕВ

Ангрен шаҳридаги 12- мактабда устоз Мартавали Умаров томонидан ташкил этилган мусиқа тўғараги мактаб ичра «кичик мактаб» сифатида ёш авлод қалбини санъатга, мусиқага ошно этди. Тўғарак аъзолари, хор жамоаси «Санъат байрами» республика кўрик-танловларида юқори ўринларни эгаллади. Ҳозирги кунда ҳам бу ёш мусиқачилар рубоб, пианино, доира, аккордеон каби мусиқа асбоблари ижроси бўйича бўлиб ўтаётган республика миқёсида ги танловларда иштирок этиб келмокда.

# НУР

Адабиётта, мусиқага бўлган иштиёқи мактаб партасидаёқ у кишини дастлаб ўрта мактабда, сўнгра эса Тошкент вилояти давлат педагогика институтида она тили ва адабиёти ҳамда мусиқа билимларини яхши ўзлаштириб, илму зиётаратиш йўлидан ҳеч иккиланмасдан, шаҳдам қадамлар билан

олга интилишга унда-  
ди. Йиллар ортидан  
йиплар ўтли М.Ума-

*Xotira*

ров дастлаб она тили ва адабиёт, мусиқа ўқитувчиси, сўнгра директорниң ўкув-ишлари бўйича муовини, мактаб директори сифатида баркамол авлодга таълим берди.

«Ерга ниҳол қадасанг, саъй-ҳаракат билан ерниң қаттиқ қатламини ёриб, униб чиқади. Сенинг хузурингга келган, ҳарф нима, ёзув нима экан-

лигини ҳали тушуниб  
етмаган ҳар бир бола  
ана шу ниҳолга ўхшай-  
ди. Сен уни авайлаб-  
гина, билмаганини  
ўргатиб, ҳаёт йўллари  
сари чархлашинг ке-  
рак», дея бизга ҳар  
лаҳзада уқтиради, —  
хотирлайди ҳозирда ус-  
тознинг анъанасини да-  
вом этириб келаётган  
шогирди Ангрен шах-  
ридаги 12-мактаб ди-  
ректори Ҳадича Сай-  
дахмолова.

Шундай ҳаётий ҳақиқат бор: ҳар бир инсон ҳаётда бахтга, саодатга Эришиши учун умр йўлининг

бир қатор довонлари-  
ни сенгиб ўтиб, унда  
нурли излар қолдир-  
моғи лозим. Мартава-  
ли Умаровнинг нурли  
излари — унинг юз-  
лаб шогирдлари бугун-  
ги кунда таълим соҳа-  
сида меҳнат қилмоқ-  
да.

## Мартавали ака Ра-

Ҳимахон ая билан түрт қизу бир ўғилни илмли, матьнавиятли қилиб вояга етказди. Кизларининг барчаси ота касбини эгаллади.

Хаёт инсонга бир маротаба бериладиган инъом. М.Умаров 64 йиллик умри давомида ана шу инъомнинг кадрига ета олди.

Нияти холис, виж-  
дени пок, инсонлар  
қалбидан илм-зиё нури-  
ни ёрита олган фидойи  
инсон хотираси шо-  
гирдлари, қалбидан сак-  
ланиб колади.

# Хонзодабегим ДАВРОНОВА, Мирзо Улугбек туманиндағы 256-мактаб ҮКИТУВЧИСИ

# ОИЛАМИЗ ИШОНЧИНИ ОҚЛАДИ

— Самбо кураши бўйича эришган мудафакиятимни мустахкамлаш фикри менга тинчлик бермаяпти. Эндиғи мақсадим машқларни давом эттириб, 2011 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида голибликни кўлга киритиш, — деди самбо бўйича Осиё чемпионати бронза медали сохиби Анна Исаева.

Хозирги кунда пойтахтимиздағи 21-сонли меҳрибонлик уйидаги тарбияланаётган Анна яқинда «ЖАР» спорт соғломлаштириши комплексида бўлиб ўтган қитъя чемпионатида иштирок этиб, юртимиз шарафини шу тариқа муносаби ҳимоя қилди. Мусобақада Осиё ва Европанинг 17 мамлакати терма жамоалари таркибидаги 500дан зиёд иштирокчи куч синашди. А.Исаева эса мамлакатимиз жамоаси таркибидаги 44 кг. гана вазнда қизлар ўтасида курашга чиқди.

Бундан бир неча йил олдин Аннада ўзи сингари тенгдош қизларнинг меҳрибонлик уйидаги турли тўғарак ва спорт секцияларида катнашиб, яхши натижалар кўрсатётгани ҳавасини келтирганди. Ана шу пайтада меҳрибонлик уйидаги Осиё мамлакатлари самбо федерацияси раиси Фазлиддин Пўлатов ва муассаса директорининг ташаббуси билан замонавий тренажёр ҳамда керакли спорт анжомлари билан жиҳозланган кураш зали қурилди. Бу ерда муррабийлар, шунингдек, самбо бўйича иккى карра жаҳон чемпиони Екатерина Близнецова тарбия-

яланувчи қизларга кураш сирларини ўргатди.

Авалига қизларга учалик хос бўлмаган спортнинг ушбу турига чўчиб қараган А.Исаева кейинчалик машқларга киришиб кетди. Дастлаб ички мусобақаларда иштирок этиб, етакчилик қилган бўлса, аста-секинлик билан тумандаги бошқа клубларда шуғуллаётган тенгдошлари билан кураш тушиб, малакасини ошириди. Кейинчалик эса самбо кураши

## Xotin-qizlar sporti

аёллар терма жамоаси мураббийи Елена Пўлатованинг сайд-харакати билан шаҳар миқёсидаги турли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллай бошлади.

Шу ўринда жорий йил унинг ҳаётида унтутилмас йил бўлиб қолади, десак, муболага кильмаган бўламиз. Чунки қаҳрамонимиз йил бошида Наврўз — умумхалқ байрами муносабати билан самбо бўйича республика очиқ чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси бўлди.



— Кизимизнинг эришган натижаси ҳақиқатдан таҳсинга сазовор. Бир неча юзлаб самбочилар ичидаги голибликни кўлга киритиб, нафақат бизнинг оиласиз ишончи оқлади, балки Ўзбекистон байробини юксакка кўтарган спортчилардан бирига айланди, — деди у ҳақда Меҳрибонлик уйидаги Малик Рўзикулов.

Бугун Юнусобод туманидаги 80-мактабда таҳсил олаётган Анна кейин Боровский номидаги тиббиёт касб-хунар колледжига кириб, келажакда етук шифокор бўлмокчи. Биз умид ва орзулари бисёр самбочи қиз Аннага келажакдаги ишларида омад тилаб қоламиш!

**Мухлиса МўМИНОВА,  
“Ma'rifat” мұхбири  
В.ГРАНКИН олган сурат.**

# 3-РАУНД: КУЧЛИЛАР ВА ОМАДЛИЛАР ТАНТАНАСИ

Бундан олдинги футбол бўйича жаҳон чемпионатларига юртдошларимизнинг қизиқиши қандай бўлганини билмадигу, лекин жорий йилда ўтаётган мундиял бигза бегона эмаслиги билан дикватимиз марказида туриди. Бойиси унда ўзбек ҳаками Равшан Эрматовнинг номи ботбот тилга олинаёттир. Мана, у қаторасига учинчи марта масъулиятли матчлардан бири — Греция ва Аргентина учрашувларига ҳакам этиб белгиланди.

ЖАРда кечаетган жаҳон биринчилигида дунё футболи, жамоалар савиаси нақадар бир-бира га яқинлашиб қолганини, мухлислар тилида фаворит деб аталган мамлакат футбольчилари ҳам ҳаяжонини босолмай, имкониятни рақибларига бой берib кўяётганини узатапмиз. Аслини олганда, футбол ана шундай кутилмаган натижалари билан янада қизиқарли, янада оммавий ўйинга айланаб бормокда.

Хусусан, Франция, Испания, Англия каби етакчилик қайд этган «шовшувли» натижаларни “D” грухидан ўрин олган “немис машинаси” давом эттириди. Тартиб билан санайдиган бўлсан, мундиялнинг бешинчи кутилмаган натижаси айнан Германия — Сербия ўйинидан сўнг содир бўлди.

Гурухдаги илк ўйинни ишончли тарзда бошлиган олмонлар иккинчи турда мутлақо ўзига

ўхшамай қолди. Й.Лёв шогирдлари жамоанинг энг одобли ҳужумчиси Мирослав Клозе майдондан “хайдалгач”, кўпроқ ҳимоя ҳақида ўлашди, асосан қарши ҳужумларга таянди. Лукас Порольскининг ҳакам “инъом этган” пенальтини серблар дарвозабонига шундоккина “тортиқ” килиши сафдошларига қимматга тушди. 1:0 ҳисоби матч якунига қадар ўзгармай қолди.

Тўп дарвозага киришини истамаса, ўн бир метрдан ҳам кирмас экан, ҳатто уни кимсан Порольски тепса ҳам... Шутариқа “D” грухидаги вазият ҳам бирозчувлашди: 3-турда Германия ҳам, Сербия ва Гана ҳам йўллама учун кураши имконига эга.

Мухлису мутахассисларни бирдек ҳайратдан қолдирган галдаги ўйин амалдаги жаҳон чемпиони — Италия ва янги Зеландия жамоалари (1:1) ўтасида бўлиб ўтди. Унда ҳатто мундиял аутсайдерлари дея менсимиғина қаралаётган янги зеландияликлар биринчи бўлиб ҳисоби очишига мудафака бўлгани ўтиборлидир. Тар-

кибида дунё танийдиган етакчи футбольчилар бўла туриб, мана, иккинчи турки, галаба нималигини билмаётган М.Липпи шогирдларининг ахволи у қадар яхши эмас. 3-турда Словакияга қарши учрашувда италияликлар учун галаба сув ва ҳаводек зарур.

1-турда Бразилияга қарши умидли ўйин на мойиш этган ва кимсан “пентакампион”лар бир амаллаб 2:1 ҳисобида ёнгган КХДР жамоаси 2-турда Европа “Бразилияси” — португалияликлар билан рўбарў келди. 19-жаҳон чемпионатининг шу вақтга қадар энг йирик ҳисоби айнан шу матчда қайд этилиши хеч кимнинг, табиийки, Криштиану Роналду сафдошларининг ҳам ҳаёлига келмаганди. Китъадошларимиз европалик чарм тўп соҳибларига 7:0 ҳисобида имкониятни бой бергач, жаҳон чемпионатининг яққол аутсайдерига мъалум бўлди. Португалия эса кутилмагандага фаворитлар каторига кўтарилиди. Энди жаҳон чемпионлигига даъвогарлар орасида К.Кейруш шогирдларини ҳам кўришимиз мумкин.

Дастлабки турда Швейцариядан ёнгилган испанлар Гондурасга қарши кечган учрашувда бутунлай бошқача кайфиятда тўп суришиди. Давид Вилья, Хави, Навас сингари ўйинчиларнинг сайд-харакатлари мухлисларнинг тинимисиз олқишига сазовор бўлди. Жуда мураккаб вазиятда рақиб томоннинг бир



нече ҳимоячиларини мөхирлик билан алдаб ўтиб, чироили голга муаллифлик қилган Давид Вилья пенальтини аниқ амалга оширолмади... Акс ҳолда ҳисоб 2:0 эмас, йирик кўриниш олиши мумкин эди.

Колган ўйинларда куйидаги натижалар қайд этилди: Словения — АҚШ 2:2, Англия — Жазоир 0:0, Гана — Австралия 1:1, Голландия — Япония 1:0, Дания — Камерун 2:1, Словакия — Парагвай 0:2, Бразилия — Кот-д’Ивуар 3:1, Чили — Швейцария 1:0.

Ниҳоят, жаҳон чемпионатининг энг драматик саҳнагарда бой учрашувларига навбат бериладиган палла ҳам этиб келди. Ҳар бир гурухда бир вактда бошланадиган 3-тур ўйинлари мундиялни ҳар жиҳатдан бойитишига шубҳамиз йўқ. Шуниси қизиқки, нимкорак финалда биз кутган фаворитларнинг қарийб эллик фоизи иштирок эта олмаслиги ҳам мумкин. Бундай хуносага келиш учун гурухлардаги чигал вазиятларни таҳлил килишнинг ўзи кифоя.

**Зоҳиджон ХОЛОВ**



## КАРЛСЕН — ЯККА ПЕШҚАДАМ

Аввал хабар килганимиздек, Руминиянинг Медиаш шаҳрида дунёнинг кучли олти гроссмейстери ўтасида “Кироллар турнири” (“Kings Tournament”) ўтказилипти. Унда ҳозирча норвегиялик Магнус Карлсен пешқадамлик қилмоқда.

У мусобақа мобайнидаги ўзининг тўртинчи фалабасини кўлга киритди. Бу Карлсенни баҳсларда яққол етакчига айлантириди. Карлсен еттинчи турда оқ доначаларда озарбийхонлик кучли рақиби Темур Ражабовга қарши ўйнади ва зафар кучди. Норвегиялик шахматчи рақибини 64-юришда мот қилди ҳамда 5,5 очко тўллашга мудафака бўлди. Иккинчи ўриндаундан бир балл ортда колаётган истроиллик Борис Гельфанд (4,5) бораёттан бўлса, учинчи ўринда Ражабов туриди. Гельфанд руминиялик рақиби Ливиу-Дитер Нисипянини кора доначаларда ўйнаб, 40-юришида мағлуб этолди. Украиналик Руслан Пономарев ва хитойлик Ван Юэ учрашуви 63-юришга келиб тўхтади.

Турнир давом этмоқда.

## БЕШ СЕТГА ЧЎЗИЛГАН МАТЧ

Шу кунларда дунёнинг кўплаб тенисс ихлюсмандларининг нигоҳлари Англия пойтахти Лондон шаҳрида старт олган йилнинг энг шовшувли турнирларидан бири — Уимблонга қаратилган, десак янгилишмаган бўламиз. У дастлабки кунларданоқ қизиқарли ва мурасасиз кулашларга бой кечмоқда.

Сербиялик таникли ракеткачи Новак Жокович илк фалабасини бошқа голибларга нисбатан жуда катта қийинчиллик эвазига кўлга киритди. Ҳатто биринчи сетда сербиялик тенисчи юқазиб кўйганди. Жокович билан тенгнаменга ҳаркетланишига интилган Оливье Роху 3 соату 51 дакика давом этган «асабий» матчда 4:6, 3:6, 6:2, 6:4, 6:2 хисобларida имкониятни бой берди. Жокович иккинчи турда американлик Тэйлор Дентта қарти корта чиқди. Тэйлор аргентиналик Хуан Игнасио Челуни (6:3, 6:7, 7:6, 7:5) ортда қолдирганди.

## ЭНДИ НАВБАТ — ШВАЙНШТАЙГЕРГА

Испаниянинг “Реал Мадрид” клуби Германиянинг “Бавария” жамоасида тўп суроётган франциялик чарм тўп соҳиби Франк Риберини ўз таркибига қўшиб олиш ниятини рўёбга оширолмагач, шу клубнинг бошқа бир иқтидорига “огиз солған”, деб хабар тарқатди “AS”.

Бу жаҳон чемпионати учрашувларида ҳам Германия миллий терма жамоаси сафида ўзининг ахойиб ҳатти-харакатлари билан мутахассислар эътиборини тортаётган Бастиан Швайнштайгердир. Собиқ «галактика»ларнинг янги устози Жозе Моуринью мазкур қарорини Хаби Алонсо га муносиб шерик излаш, деб изоҳламоқда. 25 ёшли немис футbolчиси ҳам худди Стивен Жеррард («Ливерпуль») ҳамда Даниэле Де Росси («Рома»)лар сингари Моуриньонинг таклифини рад этиши мумкин. «Бавария» либосида Швайнштайгер 200дан ортиқ матчда иштирок этган. “Реал” ўнинг ҳариди учун 30 миллион евро ажратишга тайёр туриди.

**Зухра ХАЛИЛОВА тайёрлади.**

## Хурматли Йўлдош РАЙИМОВ!

Сизни кутлуғ 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан самимий кутлаймиз. Ёш авлод таълимтарбияси йўлидаги меҳнатларинизни қадрлаймиз. Сизга узок умр, сиҳат-саломатлик ҳамда оиласиб хотиржамлик тилаймиз.

**Коракалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги 28- ҳамда 5-мактабнинг ўқитувчи ва ўкувчилари.**



